

1930 йил
12 майдан
чиқа
бошлаган



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ НАШРИ

№ 12 (3332)

2000 йил 24 март, жума

Сотувда эркин нархда

Бош муҳаррир минбари ЛОҚАЙДЛИК ҲИССИ БИЗ УЧУН ЁТДИР

Ушбу шоирона ибора тахририятга ташриф буюрган муштарийлардан бири ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораси ходимлари ўз инсоний бурчларини қандай бажаришгани ҳақида тўққинлашиб гапириб берганда беихтиёр ёдимга тушди.

Воқеа бундай бўлган эди. Тунги соат 3.00 атрофида шаҳар марказидаги кўчалардан бирида пост-патруль хизмати ходимлари шошганча чопиб бораётган одамни кўриб қолишади. Табиийки, улар фуқаронинг шахси ва қаерга кетаётганини аниқлаш мақсадида уни тўхтатишади. Бундай ҳолат дунёнинг барча мамлакатларида қўлланилаётган оддий профилактик тадбирдир.

Текшириб кўрилганда тўхтатилган киши шахсини тасдиқловчи гувоҳномаси ёнида эмаслиги, шу пайтда отасининг юрак хуружи тутиб қолгани, хонадонида телефон йўқлиги туфайли тез тиббий ёрдам кўрсатиш шохобчасига кетаётганини айтади.

Сухбатдошимнинг сўзларига қараганда, бундан кейинги воқеалар ўзгача ривожланиши мумкин эди. Зеро, ҳуқуқ-тартибот ходимлари унинг сўзларига ишонмасликка ҳақли эдилар. Чунки киши, айтилиш, жиноят содир этган жойдан тезроқ яшириниш учун қандай баҳоналарни ўйлаб топмайди, дейсиз. Айни пайтда ярим тун бўлгани, боз устига ушланган одамнинг ёнида ҳужжати йўқлиги бу эҳтимолни ҳам эътиборга олишни талаб этарди. Шу боис, милиция ходимлари унинг шахсини аниқлаш мақсадида бўлинмага олиб боришса, йўриқнома бўйича иш тутган бўлардилар.

Бошқа томондан, шундай қилинса, юрак хасталигига чалинган киши тиббий ёрдамсиз қолиши ва қандай аҳволга тушиши ҳеч кимга сир эмас.

Хўш, бу вазиятда милиция ходимлари қандай қарорга келишди? Айтиш мумкинки, сўз юритилаётган бир гуруҳ пост-патруль хизмати ходимлари ўша тунда хизмат, фуқаролик, қолаверса, инсоний бурчларини шараф билан адо этдилар. Бу вазифа ушланган кишига ҳеч қандай маънавий зарар етказилмаган ҳолда, демократик давлат ва ҳуқуқий жамият қурилаётган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига тўлиқ риоя этилаётган мустақил мамлакат милициясига хос иш тутган ҳолда уддаланди.

Натижада беморга ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилди, шунингдек, ушланганнинг шахси ва унинг ўша тунда бирор жиноят содир этилишида иштирок этмагани аниқланди.

Ташқаридан қаралса, ушбу воқеа диққатни жалб этишга арзимайдигандек туюлади. Ваҳоланки, тахририятимизга фуқаролардан милиция ходимларининг ҳушёрлиги ва ўзларига кўрсатилаётган эътибор учун миннатдорчилик билдирилган ўнлаб хатлар келиб турибди.

Бу ҳолат ички ишлар идоралари ходимлари орасида ўзгалар ташвишига бефарқ бўлмай, хизмат бурчига сидқидилдан умуминсоний туйғулар, олижаноблик ва адолат юзасидан ёндошаётган инсонлар кўпчилигини яққол кўрсатиб турибди. Шу билан бирга ҳаётимизда баъзан бунинг акси ҳам рўй бераётганини инкор этиб бўлмайди.

Яқинда айрим ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари нафақат ўз хизмат вазифалари, балки одамлар тақдирига ҳам лоқайд, беписанд муносабатда бўлишганини гапириб беришди. Дастлабки воқеада пойтахт туманларидан бирида профилактика инспектори фуқарони тентакликда айблаб, паспортини олиб кўяди, ўзини эса экспертиза қилдириш учун руҳий асаб хасталиклари касалхонасига олиб боради. Ана шундай ҳолатни бошидан кечирган одам ўзини қай даражада камситилган деб ҳисоблаганини тасаввур этиш қийин эмас. Бундан буён у милиция ходимлари ҳақида қандай фикрга боради? Бир кишининг лоқайдлиги туфайли ҳуқуқ-тартибот ходимларининг барчаси ҳақида но-тўғри хулоса чиқариши мумкин-ку!

Бошқа бир воқеада терговчининг ўз хизмат бурчига масъулиятсиз, эътиборсиз ёндошгани тўғрисида сўз боради. Гап шундаки, пойтахтимизда яшовчи фуқаролардан бирига бўҳтон туфайли жиноий иш кўзга-тилди. Терговчи масалани атрофлича ўрганиш, гумон қилинган кишининг айбини ҳаққоний аниқлаш ўрнига, уюштирилган материаллар асосида иш юритади. Табиийки, бу иш судда ўз тасдиғини топмади. Кўри-ниб турибдики, адолат тантана қилди. Аммо терговчи томонидан "айбланувчи"га етказилган маънавий зарарнинг ўрнини қоплаб бўлармикан?

Қутлуг Наврўз кунлари одамлар қалбида энг олижаноб туйғулар ўз ўрнини топаётган бир пайтда лоқайдлик ва масъулиятсизлик ҳақида фикр юритиш оғир. Лекин айрим ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг ҳиссиёти ўз вазифасини виждонан бажариб, жамоатчиликда милиция ҳақида яхши таассуротлар қолишига сабабчи бўлаётган инсонларга нисбатан берилган зарба бўлиши тайин.

Шу боис, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ҳар бир ходими учун лоқайдлик ҳисси ёт бўлмоғи зарур. Юртдошларимиз уларга ўзларини жиноий тажовузулардан ҳимояловчи деб қараш билан бирга, мураккаб вазиятлар юзга келганда ёрдам сўраб мурожаат қилсинлар. Ва бу ёрдам албатта кўрсатилиши зарур. Шундагина жамиятимизда ким томондандир хизмат бурчи ўталаётганда бефарқлик ва масъулиятсизликка йўл қўйилмаганига ишонч ҳосил қиладилар. Бу борада биринчи гада ҳуқуқ-тартибот ходимлари ўрнак кўрсатишлари зарур.



“ВАТАН” ЎҒЛОНЛАРИ КУБОГИ ТУРНИРИ ЯКУНЛАНДИ

12-бет



АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Ўзбекистон Республикаси
ИИВ Бирлашган тахририяти
("Постда", "На посту" газеталари)да
28 март сешанба кун
соат 10.00дан 11.00гача

телефон орқали бевосита мулоқот
ташқиллаштирилади.

Унда ИИВ Хорижга чиқиш,
келиш ва фуқаролик бошқармаси
бошлиғи ўринбосарлари
Олмос Раҳимжонович
УБАЙДУЛЛАЕВ ва
Салоҳиддин Асомитдинович
МИРАҲМЕДОВ

хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик
ҳамда паспорт ишлари билан боғлиқ
барча масалалар бўйича сиздан
тушадиган саволларга жавоб
берадилар.

**Бевосита мулоқот учун
телефонлар:**

**(3712) 54-37-91,
(371) 139-70-40.**

Ўзингизни қийнаётган
муаммоларни ечиш
учун имконият
яратилмоқда!

**КЎНФИРОҚЛАРИНГИЗНИ
КУТАМИЗ!**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Кейинги пайтда газ ва электр асбоб-ускуналаридан но-тўғри фойдаланиш ва уларга эҳтиётсиз муносабатда бўлиш оқибатида кўплаб кўнгилсиз ҳодисалар содир бўлмоқда.

Шу йилнинг 22 март кун Самарқанд вилоятининг Самарқанд туманида жойлашган "Шарифбобо" хусусий дўконда ёнғин содир бўлди. Бунинг натижасида бир неча киши ҳалок бўлган. Ушбу ҳодисанинг содир бўлишига дўкон биноси ер-тўласи яқинидан ўтган қувурдан газнинг сизиб чиқиши ва унинг учкундан алангаланиб кетиши сабаб бўлган.

Шу сингари ҳодисаларнинг рўй бермаслиги учун барча фуқароларимиздан ҳар қандай газ ва электр иситиш асбоб-ускуналаридан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига до-имо риоя қилишларини сўраймиз.

ОНАЗОВУРДАН
КЕЛГАН НУДО

ЧАЙН КРОССВОРД
12
KELGUSI HAFTA UCHUN
MUNAJJIMLAR BASHORATI

ОЙНАИ ЖАҲОН ДАСТУРЛАРИ – Тўлалигича бизнинг газетамизда



ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ ДОИРАСИДА

Март ойининг бошларида мамлакат парламентининг вакиллари жазони ижро этиш муассасасида бўлиб, муассаса ахволи билан танишдилар.

Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) С. Рашидова, демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари бўйича қўмита раиси, Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази директори А. Саидов, инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг ўринбосари А. Муҳамедовлардан иборат Олий Мажлис комиссиясининг ташрифидан мақсад озодликдан маҳрум этилганларнинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижро кодексига белгиланган ҳуқуқларига риоя этилишини парламент назорати доирасида кўздан кечириш бўлди.

Комиссия аъзолари маҳбусларни сақлаш, уларга тиб-

бий хизмат кўрсатиш ва коммунал маиший хизмат таъминоти, овқатланиш, фойдали иш билан шуғулланиш, яқинлар, қариндош-уруғлари билан учраштириш каби шарт-шароитлар билан танишдилар.

Комиссия аъзолари Ички ишлар вазирлиги томонидан маҳбусларни сақлаш бўйича қонун талабларига мувофиқ тарзда ишлар бажарилганини таъкидладилар.

Маҳбусларни сақлаш учун корпус, ошхона, ҳаммом-кирхона ишга туширилди. Муассаса ҳудудида қозонхона ва маҳбусларнинг қариндош-уруғлари билан учрашув ўтказиш биноси қурилди. Шунингдек маҳбуслар меҳнатидан фойдаланишни ташкил этиш мақсадида ишлаб чиқариш майдонлари ташкил этилди.

Парламент вакиллари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари, ички хизмат полковниги Р. Қодиров ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳ бўлдилар.

Ўз мухбиримиз.

Термиз. Сурхондарёлик ДАН ходимлари ойлик давомида профилактик ишларни кенг қўламда олиб боришга алоҳида эътибор беришди. Оммавий ахборот воситаларида ДАН ходимларининг мақолалари, суҳбатлари мунтазам бериб бориляпти. Аҳоли ўртасида аниқсқа, мактаб ва болалар боғчаларида тушунтириш ишлари назарий ва амалий жиҳатдан олиб борилаётгани самарали бўлмоқда. Мажбурият автотуловлар ва йўллар қўриқдан ўтказиляпти. Қисқа вақт ичида 250 км йўл созланди, эскирган 92 та белги янгиланди, зарур жойларга яна 80 га яқин йўл белгилари қўйилди.

Амалга оширилган профилактик ишлар натижасида йўл-транспорт ҳодисалари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 50 фоизга, пийдалар айби билан содир бўладиган қўриқсиз ҳолатлар 40 фоизга камайди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Сарийсё, Қизилқоғ, Ангор ва Узун туманлари ҳокимликларида бу муҳим тадбирлар панжа орасидан қараш ҳолатлари сезилляпти.

ДАН ходимлари ойлик давомида, шунингдек, мамла-

йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги давом этмоқда

ФАОЛЛИК СУСАЙМАСЛИГИ КЕРАК

катимизга қўшни давлатлардан гиёҳвандлик моддаларини олиб кириш, ноқонуний равишда озиқ-овқат ва бошқа молларни олиб чиқиб кетишга уриниш ҳаракатларини аниқлаб, тегишли чора-тадбирлар кўрмоқдалар.

А. МАШИЕВ,
вилоят ДАНБ бўлим бошлиғи,
милиция подполковниги.

Жиззах. Вилоятда бу йилги ҳаракат хавфсизлиги ойлиги ҳар қачонгидан фаол ўтказишга эришиляпти. Тадбир бошланиши арафасида виллоят ҳокимлигида тузилган махсус комиссия ойликнинг боришини мунтазам кузатиб бориляпти. Ҳар ўн кунлик натижалари виллоят ҳокимлигида таҳлил этилиб, йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш учун зарур чора ва тадбирлар белгиланяпти.

Йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини аҳолига тушунтириш, ойликнинг аҳамияти-

ни фуқароларга етказишда ДАН ходимларига ички ишлар идораларининг бошқа хизматлари ходимлари ёрдам беришляпти. Аниқсқа участка вакиллари, маҳалла посбонлари жойларда ташвиқот ишларини фаол олиб бормоқдалар.

Вилоятнинг Пахтакор, Зафаробод, Дўстлик, Мирзачўл туманларида бу муҳим тадбир аниқсқа, яхши ўтказиляпти. Жиззах шаҳрида маҳаллаларда, мактабларда уюштирилаётган суҳбатлар, учрашувлар мунозараларга бой бўлмоқда. Мактабларда махсус майдончаларда ДАН ходимлари ўқувчилар билан йўл ҳаракати қоидалари бўйича амалий машғулотлар ўтказишляпти.

Тадбир давомида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йўл-транспорт ҳодисалари, автоҳалокатлар натижасида кишиларнинг ҳалок бўлиши сезиларли даражада камайди.

Б. БЕГИМҚУЛОВ,
милиция лейтенанти.

Фаргона. Тошлоқ тумани ИИБ ДАН ходимлари йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлигини ўтказишда намунали ишларни амалга оширмоқдалар. Хўжаликлар, ташкилот ва муассасаларнинг автоҳажалиқларидаги барча транспорт воситалари қўриқдан ўтказиляпти. Йўлларнинг носоз жойлари созланди. Ҳаракатдаги ҳар бир автомашиналар тегишувдан ўтказилиб, носоз деб топилганлари жойларига қайтариляпти. Соғлом авлод йилида биринчи галда болалар иштирокида йўл-транспорт ҳодисаларининг камайишига эришиш, фуқароларнинг йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя этишларини назорат қилишда милициянинг бошқа хизмат ходимлари ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Олиб борилаётган чора-тадбирларнинг самарали бўлаётгани боис, ҳозиргача йўл-транспорт ҳодисалари ўтган йилдагидан тенг баравар камайди.

М. КИМСАНБОВЕВ.

ҲАМКОРЛИК ЙЎЛЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Тошкентда Марказий Осиёда трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш масалалари бўйича халқаро семинар бўлиб ўтди. Семинар БМТ ташаббуси билан ташкил этилиб, унда Марказий Осиё давлатлари, АҚШ, Россия, Буюк Британия, Польша, Чехия каби давлатларнинг вакиллари иштирок этишди. Анжуманда шунингдек, қатор халқаро ташкилотлар мутахассислари ҳам қатнашди.

Жаҳон жамоатчилигини

қаттиқ ташвишлантираётган террорчилик, гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланиши, қурол-яроғ савдоси, чегараларни бузиш, уюшган жиноятчилик муаммолари бизнинг минтақамиз учун ҳам долзарбдир. Ҳозирги пайтда юқоридаги салбий ҳолатларга қарши кураш ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб турибди. Тошкент анжуманида бу муаммоларни ҳал этишда манфаатдор давлатлар яқин ҳамкорлик қили-

ши лозимлиги таъкидланди. Семинарда шунингдек, уюшган жиноятчиликка қарши курашда энг замонавий техник воситалардан фойдаланиш, ўзаро ахборот алмашиш, маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш бўйича чиқишлар қатнашчиларнинг катта қизиқишига сабаб бўлди.

Уюшган жиноятчиликка қарши биргаликда курашишга бу боралаги қонунларнинг айрим давлатларда номукамаллиги халалит бераётгани, тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни ўзаро мувофиқлаштириш зарурлиги қайд этилди.

Ўз мухбиримиз.

ОСОЙИШТАЛИК — ТИНЧЛИГИМИЗ ГАРОВИ

Она диёримиз узра фасллар келинчаги бўлиш баҳорнинг илк ойи кезмоқда. Нишонланаётган қўшалок байрамлар эса халқимизнинг миллий анъаналаридан далолатдир. Куни кеча халқимиз муборак Қурбон ҳайити ва саховатли заманимизга ташриф буюрган эзгулик, покланиш ва янгиланиш айёми Наврўзи оламни кенг нишонладилар. Албатта, доимгидек байрам кунлари ҳам жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ички ишлар идоралари ходимлари олдидаги энг муҳим ва масъулиятли вазифалардан бўлди. Ана шу мақсадда Тошкент вилояти ИИБ томонидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Шулардан бири виллоятнинг барча шаҳар ва туманларида жорий йилнинг 10 мартдан 20 мартга қадар ўтказилган кенг қамровли "Тозалаш" профилактик тадбиридир.

"Тозалаш" тадбирини юқори савияда ўтказиш борасида тезкор Девои тузилди. Оҳангарон ва Бекобод ҳудудларида маҳалла посбонлари, милиция ходимлари билан биргаликда чегара масканлари ва блок-постларда хизмат кучайтирилди. Бу эса виллоят ҳудудида тезкор вазиятнинг барқарорлаштирилишига, жиноятлар сонининг камайишига олиб келди. Очилмай қолган жиноятлар сони ўн кун жараёнида 27 тадан 6 тагача камайди.

Жумладан, Қуйичирчиқ туманида ниқоб кийган номаълум шахслар Қизил Шарқ кишлоғида яшовчи Р. Убайдуллони қўриқтиб, уйига бостириб кириб, қўл-оёғини боғлаб, ошпичоқнинг сопи билан боши ва юзига уриб, 100.000 сўм пулини олиб кетишган. Олиб борилган тезкор чора-тадбирлар натижасида ушбу жиноятни Янгийўл туманида яшовчи ҳеч қандай ишламайдиган Р. Муҳаммад, Н. Абдуқаҳҳор, Ч. Иван ва К. Германлар содир этганликлари аниқланиб, ушланди. Улардан "ПМ" русумли тўппонча ўқдони ва 7 дона жанговар ўқлари билан олинди.

Гиёҳвандлик моддаларини тайёрловчи айланишининг олдини олиш билан боғлиқ ўн учта жиноят фош этилиб, жиноятчилардан 357,7 г гиёҳвандлик моддалари олинди.

Тадбир давомида фуқаролар яшайдиган хонадонлар, дала ҳовлилар текширилиб, паспорт қоидаларига амал қилмаганлиги учун 2120 та ҳуқуқбузар аниқланиб, 1692 тасига нисбатан маъмурий чоралар кўрилди. Шу билан бирга виллоят ҳудудида жойлашган қўп қаватли уйлارнинг ертўла ва чердаклари текширувдан ўтказилиб, темир панжара ва эшиклар ўрнатиш чоралари кўрилди. Ички ишлар идоралари ҳисобида турган хавфли рецидивистлар, маъмурий назоратда турганлар ва муқаддам судланганларнинг турмуш тарзи, яшаш ва иш жойларидаги аҳвол билан танишиб, зарур ҳолларда ёрдам берилди.

Вилоятнинг чегара ҳудудларида ўтказилган тадбирлар давомида Республикадан товар-моддий бойликларини ноқонуний олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш бўйича 135 та ҳолат аниқланиб, 6.508.469 сўмлик моддий бойликлар сақлаб қолинди.

Республикамизда 1 мартдан 31 мартгача "Ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги" ўтказилмоқда. "Тозалаш" тадбири ҳам шу тадбирга чамбарчас боғланган. ДАН ходимлари томонидан шу йил март ойининг 20 кунидан 24.965 та қоидабузарлик аниқланган. Бу эса йўл-транспорт ҳодисалари март ойининг 20 кунидан ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 11,2 фоизга камайганини кўрсатади.

Вилоят ҳудудида ўтказилган "Тозалаш" тадбири натижасида оператив вазият бир мунча барқарорлашди. Зеро, бундай тадбирлар ҳар бир кунимиз осуда ўтишининг гаровидир.

Ш. УМАРХОНОВ,
Тошкент вилояти ИИБ
Ташкилий-инспекторлик бошқармаси бошлиғи,
милиция полковниги.

Огоҳликка даъват

БЕПАРВОЛИККА ЎРИН ЙЎҚ

"...Биз ўз миллатимизни мана шу муқаддас диндан айри ҳолда тасаввур қила олмаймиз. Диний қадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни йўқотамиз".

И. А. КАРИМОВ.

Оммавий ахборот воситалари орқали, исломни ниқоб қилиб олган, мақсади ҳокимиятни эгаллаш бўлиб бу мақсадга эришиш учун инсон тақдири, халқ тинчлиги-осойишталигини заррача ўйламайдиган ақидапарастларнинг кирдикорлари очиб ташлангандан сўнг, тавба-тазарру қилиб келаётган ёшларнинг кўпчилигини фикрларига эътибор берилса, улар "араб-

ча ёзиш ва ўқишни ўрганиш, номоз ўқиш — дини Ислмо шу экан" деган тушунчага эга бўлганлиги кўринади.

Турли жиноятлар ва террористик ҳаракатлар содир этиш йўли билан эл тинчлигини бузишга уринган унсурларга ўз вақтида зарба берилди. Лекин, бу бузғунчи оқимлар батамом тугатилди дегани эмас.

Зеро, бундан буён республи-

камизнинг ҳар бир фуқароси огоҳ бўлиб, қатор исломий давлатларда тан олинмай, қувинганга учраган ҳар қандай оқимларни муқаддас еримизга кириб келишларига, фаолият кўрсатишларига йўл қўймай, тинчлигимизни, мустақиллигимизни сақлаш йўлида жипслашишимиз, қўшимиз, дўстимиз, фарзандларимизнинг юқорида кўрсатилган ҳар хил диний оқимларга қўшилиб қолишларига йўл бермаслигимиз лозим.

Зеро, огоҳлик шодликни, тинчликни асровчи омилдир.

Шокиржон БОБОЕВ,

ҲАМ ҲАЙРАТДА, ҲАМ ҲАЙРОНДАМАН

миз ҳам рус қизлари бўлганимиз билан Ўзбекистонда тутилганмиз. Бу юртга, унинг оққўнги кишиларига меҳр-муҳаббатимиз жуда ҳам баланд. Шундай юртни севмасдан бўларканми? Дунёга бир назар ташланг! Ҳеч қандай бизнинг юртдек тинч, юртбошиси кишилар, ёшлар бахтини биринчи галдаги вазифа қилиб қўйган давлатнинг ўзи йўқ. Шундай экан, бу давлат тилини ўрганиб, кишиларига эҳтиром кўрсатмай бўладими? — деди.

Рус қизининг завқ-шавқ билан гапиришини тинглар эканман, ҳаёлимдан ўзи тугилиб ўсган тупроғи зарга тенг шу юртни сотиб, итдек хору зор бўлиб, хорижий давлатларнинг тоғу тошларида қашқирдек изғиб юрган йигитлар ўтди. Наҳотки, ўша юртини ташлаб кетиб, манкуртга айланган йигитлар хориждаги ҳомийларига уларнинг эртанги порлоқ келажаги эмас, Ўзбекистоннинг серуном тупроғидан, серҳосил боғларидан, зукко кишиларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш кераклигини билишмаса?

Ахир, уларнинг эс-ҳушлари бус-бутунми? Унда нега ўзлари ётган бешикни ўзлари тепиб синдирмоқчи, ўз уйла-

рига ўзлари ўт қўймоқчи, ўз оналарига ўзлари қўл кўтармоқчи бўлишди? Демак, улар онглари заҳарланиб, аллақандай манкуртларга айланиб кетишган.

2000 йил Президентимиз томонидан Соғлом авлод йили деб эълон қилинди. Халқнинг, юртнинг эртаси учун жон куйдириб, фидокорона хизмат қилаётган юртбошимизнинг бундай сазой-ҳаракатларига биз ҳам лаббай деб жавоб бериб, эртанги кун эгалари бўлмиш ёшларни фикран соғлом, жисмонан бақувват қилиб тарбиялашга ҳисса қўшмоғимиз шарт деб ўйлайман.

Ўша четдан юртимиздаги тинчликка раҳна солиш учун узун чопонларини, қўлларидан тасбеҳларини, чўнтакларидан долларларини кўз-кўз қилувчи бузғунчиларга эса: "Кечириб қўясизлар! Ўзбекистондек келажаги буюк давлат ўзининг фарзандларини, жигаргўшаларини, кўзларининг оқу қорасини сизнинг жирканч чангалингизга бериб қўймайди, чучварани хом санабсиз!" — дегим келади.

Мадамминжон ШАМШИТДИНОВ,
милиция полковниги.

ИСТИҚЛОЛ ОЛИМЛАРИ

* Ўзбекистон давлат пахтани қайта ишлаш ва пахта маҳсулотларини сотиш бўйича акциядорлик уюшмасининг биринчи таъсис қурултойи 1993 йил 10 март куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди.

* Ўзбекистонда "Нодира" русумли оқ-қора тасвирли теле-визорлар 1993 йил март ойида "Фотон" ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрлана бошланди.

* Дартс бўйича биринчи турнир 1993 йил март ойида Тошкентда бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг турли шаҳорларидан 60 нафарга яқин дартс ишқибозлари иштирок этди.

* Республикамизда кўчмас мулкларнинг кимовиди савдоси илк бор 1994 йил 4 март куни Наманганда ташкил этилди. Очiq савдога саноат корхоналари, меҳмонхоналар, рестороанлар, дўконлар, жами 12та объект қўйилди.

* "Ўзбекистонга хорижий сармояларни жалб этиш муаммолари бўйича юмалоқ стол" халқаро анжумани биринчи марта 1994 йил 9-10 март кунлари Тошкентда ўтказилди.

* Гулистон ёғ-экстракт заводида "Наф" деб номланган самарали ювиш воситасининг дастлабки туркуми 1995 йил март ойида ишлаб чиқарилди.

* Ўзбекистонда санъат асарларининг биринчи кимовиди савдоси 1996 йил март ойида Тошкентда ташкил этилди.

Сирдарё вилояти ИИБ хабарлари

ДИН ВА ҚАДРИЯТ

Вилоят ички ишлар бошқармасида мунтазам равишда ўтказилаётган маърифат дарсининг навбатдаги машғулот "Ислом дини ва миллий қадриятлар" деб номланди. Гулистон давлат университети ўқитувчиси Акрамжон Узоқов ислом динининг тарихи, жаҳон бўйлаб ёйилиши, ҳозирги кундаги мавқеи ҳақида маъруза қилди. У асосий эътиборни ислом динининг миллий қадриятларимизга таъсири, уни мустаҳкамлаш ва юксак инсоний фазилатларни шакллантиришдаги ўрнига қаратди.

Машғулот сўнида вилоят ИИБ бошлиғи, милиция полковниги Р. Тўлаганов ички ишлар идораларида хизмат қилиб, нафақага кузатилаётган олти нафар ходимга кўп йиллик самарали меҳнатлари учун раҳбарият номидан миннатдорчилик билдириб, қимматбаҳо совғалар топширди.

Ҳ. БОЛТАБОВ,
милиция подполковниги.

МЕВАЛИ ДАРАХТЛАР КЎПАЯДИ

Вилоят ички ишлар идоралари ходимлари республикамизда ўтказилаётган "Озодаллик ва кўкаламзорлаштириш" ойлгида фаол иштирок этишяпти. Жойларда ИИБ биноларининг атрофлари тозала-

ниб, дарахтларга шакл бериляпти, янги ниҳоллар ўтказилмоқда. Бу борада вилоят ИИБ ўқув марказида олиб борилаётган ишлар айниқса намунали бўляпти. Билимгоҳ биносининг атрофи, ариқлар, сув йўллари, тозаланди. Ёш дарахтларга шакл берилди, таглари чопилиб, турли хил қасаллиқларга қарши дориланди. Шунингдек, янги ажратилган майдонга мева дарахтлар ниҳоллари ўтказилди.

МАШҒУЛОТ САМАРАЛИ ЎТДИ

Ширин шаҳрида вилоят ички ишлар идораларининг ходимлари навбатдаги жанговар тайёргарлик машқларини ўтказишди. Тошкент олий ҳарбий техник билим юрти ўқитувчилари ходимларга ўқитиш қуролларини ишлатиш, алоқа ва криминалистика анжонларидан фойдаланиш бўйича назарий ва амалий машғулотлар ўтказишди.

Шунингдек, ходимларнинг жисмоний чиниқишлари учун яккакураш, кураш, кўл жанги, самбо бўйича ҳам амалий машғулотлар ўттилди. Сафда юриш, саф қўшиқларини айтиш каби дарслар ҳам қизқарли ўтди. Бу машғулотлар милиция ходимларини ҳам жанговар, ҳам жисмоний чиниқишларига катта ёрдам берди.

Д. МУРОДОВ,
милиция старшинаси.



Оддий иш кунларидан бири эди. Туямўйин ДАН масканида Питнак шаҳар милиция бўлими ходимлари – милиция сержантлари Руслан Султонов, Эркин Отажонов, милиция старшинаси Ҳасанбой Абдуллаев ҳамда милиция майори Ўктам Давлатовлар ўз хизмат вазифаларини сидқидилдан бажаришарди. Кечқурунги соат 21лар чамаси ДАН маскани томон қизил рангли "Нексия" автомашинаси кела бошлади. ДАН ходими Руслан Султонов машинани тўхтатиб, ҳайдовчининг ҳужжатларини текширди. Ҳаммаси жойидалигига ишонч ҳосил қилгач машинани рўйхатдан ўтказиб, кетаверишларини билдирди. Ҳайдовчи Ю. М. рўйхатдан ўтиш учун ДАН масканига кирди.

СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

Мана, 1 мартдан буён юртимиз бўйлаб ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги ўтказилляпти. Мақсад, бу масаланинг долзарблигини барча йўл ҳаракати иштирокчиларига яна бир бор эслатиш, кенг жамоатчилик эътиборини маъмур муаммога қаратиш. Ўнинчи мартдан кўкаламзорлаштириш ва тозаллик ойлиги ҳам бошланиб кетди. Албатта, турли ойлиқлар, ўн кунликлар, ҳафталиклар ўтказилиши яхши. Лекин... Лекин бу каби тадбирлар азбаройи за-руратдан, муаммо етилганидан ўтказилади. Агар ҳар бир киши ҳар бир соҳада ўз жойида ва-зифасини сидқидилдан бажарганида, ҳеч бир ойликка, ўн кунликка ҳожаат қолмас эди. Ахир, ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига фақат шу ойлик давомида рия этилиши, тозалликка фақат шу тадбир мобайнида эътибор берилиши керак эмас-ку.

Баъзан кишига шундай туюладики, айримлар бу тадбирларни хўжакўрсинга ўтказилляпти деб ўйлашадиқандай. Яқинда автобусда "Ғунча" кинотеатридан "Хадра" майдонига келаятиб бир нарсаси эътибор бердим.

Йўлнинг Уйғур кўчаси билан кесилишган чорраҳасида Чорсу бозорига ўтиладиган ер ости йўли борлигини кўпчилик яхши билади. Ана шу чорраҳада кўпчилик ер ости йўлига тушишга эриниб, транспорт ҳаракатига халақит бериб, ўз ҳаёти-

ОЛИШУВ

Лекин машинада қолган икки йўловчи хизмат вазифасини ўтаётган милиция сержанти Эркин Отажоновда шубҳа уйғотди. У қўлидаги ёрит-гични тўғрилаб, машинада ўтирганлардан паспортларини кўрсатишларини талаб қилди. Улардан бири паспортини, иккинчиси эса ўнғайсизлана-ўнғайсизлана туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномани кўрсатди. Бундан шубҳаланган ДАН ходими Руслан Султонов ҳаммаси қўлидаги гувоҳно-мани олиб, машинадаги йўловчидан ота-онасининг гу-воҳномадаги исм-фамилияси-ни сўради. Афсуски йўловчи йигит ДАН ходимининг саволи-га мутлақо нотўғри жавоб бер-ди. Шубҳаси тўғрилигига ишонч ҳосил қилган милиция сержанти Эркин Отажонов уни ДАН масканига олиб кир-ди. Бу пайтда ҳайдовчи рўйхатдан ўтиб, ташқарига чи-қиб кетди. Милиция старшина-си Ҳасанбой Абдуллаев, шуб-ҳали туюлган шахсни сўраб-суриштира бошлади. Эркин ташқарига чиқаётганида тўсат-

дан ўқ овози эшитилди. У зуд-лик билан ичкарига – ҳамкас-би Ҳасанбой Абдуллаев ўтир-ган хонага отилди. Бу пайтда жиноятчи иккинчи ўқни отиш-га ҳозирланаётганди. Эркин чаққонлик билан жиноятчи-га ташланди. Овоз пасайтиригич ўрнатилган қуролдан отилган иккинчи ўқ хона шифтини те-шиб кетди. Ҳамкасбининг қон-га беланиб ётганини кўрган Эркин жон-жаҳди билан йигит-ни қуролсизлантиришга урин-ди. Аммо у анойилардан эмас экан. Олишув давом этди. Ку-ролли йигит қандай бўлмасин Эркиннинг чангалидан қуту-лишга ҳаракат қилди. Лекин милиция сержанти Эркин Ота-жонов ҳам бўш келмасдан бир кўли билан қуролни ушлаган-ча уни босиб олди. Саросима-да қолган йигит учинчи ўқни узди. Бу ўқ Эркиннинг қўлини тешиб ўтди. Оғриқ қанчалик ку-чаймасин милиция сержанти жиноятчини қўйиб юбормас-дан, уни ташқарига судрай бошлади. Машинада ўтирган-лар аҳвол танглигини билиш-гач, ҳамтовогини ташлаб

"Жасорат" медали соҳиблари

қочиб қолишди. Ташқаридаги милиция ходимлари ҳаммаси Эркин Отажоновга ёрдамга шошилишди. Яраланган мили-ция ходимлари зудлик билан касалхонага жўнатилди.

Машинада "қуён" бўлган жи-ноятчилар изидан тезкор қиди-рув ишлари бошланди. Олиб борилган тезкор тадбирлар на-тижасида жиноятчилар қўлга олинди. Қуролланган хавфли жиноятчиларни қўлга олишда-ги жасурлиги учун Ҳазорасп ту-ман ИИБ Питнак шаҳар МБ нав-батчиси ёрдамчиси, милиция сержанти Эркин Отажонов ҳамда қўриқлаш бўлини маси сардори, милиция старшинаси Ҳасанбой Абдуллаевлар Ўзбе-кистон Республикаси Прези-дентининг 2000 йил 13 январ-даги Фармонида кўра "Жасо-рат" медали билан тақдирлан-дилар.

Ҳ. ЖАБОРОВ.

Суратда: Ҳоразм вилояти Ҳазорасп тумани ИИБ Пит-нак шаҳар МБ навбатчи ёрдамчиси, милиция сержан-ти Эркин Отажонов.

Жумабой ҚОЗОҚ
олган сурат.

Луқма

ни хавф остига қўйиб серқат-нов кўчани кесиб ўтарди. Ки-зиги шундаки, улар орасида бир-ярим милиция ходимлари ҳам бор эди. Беихтиёр "Домла-нинг айтганини қилу қилганини қилма" мақоли эсимга тушди. Кейинги бекатда, Марказий универсал дўкон рўпарасида яна шу аҳвол. Ёшлар ёш, ақли-ни танимаган десангиз, 50-60ни қоралаганлар ҳам кўча ўртасидаги тўсиқлардан ошиб, бозорга шошилишарди. Уларни тўхтатиб, сўрасангиз, жавоби тайин:

– Зинадан тушиб-чиққунча вақт кетди-да, ука, – дейиша-ди. Бундан чиқди, ҳукумат қан-ча пул сарф қилиб бекорга йўлак қаздирибди-да. Баъзан беш дақиқани тежаймиз деб умрни, соғлиқни бой бериб қўймаймизми, биродарлар?

Яна бир нарсаси эътиборимни тортди, кўпинча йўл ҳаракатини назорат қилаётганлар қоидабу-зар ҳайдовчиларга муросасиз бўлишадими, ўн қадам нарида пиёдалар ўтиш жойи туриб, кўчани истаган жойидан ўзим хон, кўланкам майдон қабили-да кесиб ўтаётган пиёдаларга панжа орасидан қарашади. Ме-нимча, айниқса йўл ҳаракатида қоидабузарлиқнинг катта-кичи-ги бўлмайди. Баъзан арзимас эътиборсизлигимиз, совуққон-лигимиз мудҳиш оқибатларга олиб келади.

Ҳар бир ҳаракат иштирокчи-си ҳар доим ўзи учун белгилан-ган қоидаларга қатъий рия эт-мас экан, ҳаракатланиш мада-нияти барчамизнинг онгимизга сингмас, ҳаётий заруриятимиз-га айланмас экан, бундай ой-ликларга эҳтиёж туғилаверади.

Бобомурод ТОШЕВ.

МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Тошкент вилояти ҳокимлиги, ички ишлар бошқармаси, проку-ратура ва уларнинг жойлардаги ҳуқуқ-тартибот идоралари, ша-ҳар ва туманларда фаолият кўрсатиб келаётган ўзини-ўзи бош-қариш органлари, "Маҳалла посбони" жамоат тузилмалари ҳам-корлигида, Ўртачирчиқ тумани Охунбобоев номли жамоа хўжа-лиги маданият саройида мувофиқлаштириш кенгаши ўтказилди.

Кенгашда паспорт тизими, жиноятни олдини олиш, диний эк-стремизмга қарши кураш, маҳалла посбонлари жамоат тузилма-лари, яраштириш комиссияларининг фаолияти ва бошқа маса-лалар кўриб чиқилди.

Мажлисин вилоят ҳокимининг муовини Ҳ. Асадов очди. Вило-ят ИИБ ХЧК ва ФБ бошлиғи, милиция подполковниги А. Тошме-тов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси-нинг "Давлат бошқарув органлари, ташкилотлар, муассасалар ва корхоналар раҳбарларининг паспорт режимида ҳамда хори-жий фуқароларнинг туриш қоидаларига рия қилиш юзасидан масъулиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори-нинг бажарилиши ҳақида маъруза қилди. Ўтган йили паспорт ти-зими қоидаларига рия этилишини текшириш учун 801,153 та турли объектлар, шу жумладан 403268 та шахсий уй, 394,358 та хонадон, 1979та ташкилотлар текширилди, Рўйхатдан ўтмай юр-ган 14858 фуқаро паспорт қоидаларини бузиб яшаб юрган, 4641 та МДХ фуқаролари аниқланди, 737 тасига жарима солинди. 2581 таси эса Республика ҳудудидан чиқарилиб юборилди. Ҳужжатла-ри йўқ шахслар қабул қилиш ва тақсимлаш муассасаларига жой-лаштирилди. Жами ҳуқуқбузарликка йўл қўйган 21796 та шахсга маъмурий чоралар кўрилди.

Текширув натижалари яна шунини кўрсатадики, милиция участ-ка вакиллари, ваколатлари бўлмаган ҳолда МДХ фуқароларини маъмурий жазолаш ҳақидаги баённомаларни тасдиқламоқдалар. Хусусий хонадонларда рўйхатдан ўтмай яшаётган фуқаролар жа-золашиб, хонадон соҳибларига ҳеч қандай жазо қўлланмаётган-лиги, жазо санкцияларида кўрсатилган пул миқдорларидан кам даражада жарималар ундирилиши, баъзи баённомалар раҳбари-ятга кўриб чиқиш учун тақдим этилмапти.

Йўл қўйилган камчиликлар аввало шаҳар ва туман ҳокимлик-ларидаги мутасадди раҳбарларнинг ва паспорт бўлиналари бошлиқларининг ўз ишларида совуққонлик билан ёндошуви оқибатларида юз бермоқда.

Шундан сўнг вилоят ИИБ ЖООБ бошлиғи, милиция полковни-ги М. Т. Отбосаров сўзга чиқиб, маҳалла посбонлари ва улар-нинг фаолиятига тўхталди. Ўтган йили маҳалла посбонлари иш-тирокида 94 та жиноят очилди. Бироқ Янгибод шаҳар, Зағиота, Қўйилчиқ туманларида маҳалла посбонларининг фаолияти суст эканлигини таъкидлади.

Янгийўл, Ангрен шаҳарлари, Пскент, Қибрай, Чирчиқ туманла-рида эса маҳалла посбонлари иштирокида жиноятчиликка қар-ши кураш яхши йўлга қўйилган.

Айнан ҳозирги кунда ҳаммамизни диққат марказимизда бўлган, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда асосий масала ҳисобланиб келаёт-ган диний экстремизмга қарши кураш масаласида ҳам эслаб ўтиш жоиз.

Бу оқимлар, айниқса "Хизбут-таҳрир", "Ваххобийлар"нинг ёвуз ниятлари ҳаммамизга маълумдир. Улардан 860 таси аниқланиб, 276 таси жиноий, 140 таси маъмурий жавобгарликка тортилган. Маҳаллаларда 860 таси муҳокама қилиниб, тавба-тазарру қилиб ўз хоҳишлари билан келганлари 69 тани ташкил этди. Энг ачи-нарлиси, улардан 148 таси аёллар эканлиги аниқланди.

Сўнгра, кенгаш давомида вилоят ҳокимлиги ҳуқуқни муҳофа-за қилувчи органлар, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вази-ятлар масалалари бўйича гуруҳ раҳбари Б. Алиматов сўзга чи-қиб, вилоятдаги махсус комиссиялар ва яраштириш комиссия-лари ҳақида тўхталиб ўтди.

Унда асосан ўтган 1999 йил якунида вилоят бўйича жами жа-зони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахслар ҳисоб

Улар бизда хизмат қиладилар

ОРЗУЛАРИ
УШАЛГАН ЙИГИТ

Авазбек ака “қўлида бор” оила бошлиғи бўлишига қарамасдан ўғли Давронбекнинг Шахрихон қишлоқ ҳўжалиғини механизациялаш техникуми автомобилларга хизмат кўрсатиш бўлимига кириб тахсил олишига қаршилиқ кўрсатмади.

— Сиз ўзингиз колхозда раис бўлиб, кўпчиликка раҳбарлик қилсангиз ҳам, битта ўғлингизга тузукроқ йўл-йўриқ кўрсатмайсиз, — дея ундан ранжирди баъзан хотини Хосиятхон опа. — Бошқа тузукроқ ўқиш йўқми?

— Майли, онаси, — дер эди Авазбек ака босиқлик билан. — Ахир Давронбек ўғил бола. Эртагаёқ йигит бўлади. Эркак киши эса ўз ҳаётини ўзи белгилайди. Танлаган, севган касбнинг этагидан тутган йигит ҳаёт сўқмоқларида адашмасдан, эртаминдинини албатта, раван йўлга чиқиб олади. Ушанда бугунги гапларингиздан уялиб қоласиз.

Ўғли ўқишни Москвадаги машинасозлик институтида давом эттиришини эшитган онанинг кўнгли яна ҳам хижил бўлди. Аммо бугун у ўғлининг камолини кўриб севинганидан мийғида кулиб кўяди. Ҳар тонг хизматга отланиш олдида ота-онаси ҳузурига кириб, зиёрат қилган Давронбекнинг елкасига қоқаркан: “Ўғлим, доимо омон бўл! Ҳеч қачон халқингга, виждонингга хиёнат қилма! Халқига, виждонига хиёнат қилган одам ўзига-ўзи хиёнат қилади!” — дейди.

Ота-она ўғитларини хизматида дастуриламал деб билган йигитнинг милиция хизматида келганига ҳам мана ўн икки йил бўлди. Шу ўтган вақт ичида Давронбек бу касб кишидан қанчалик сабр-тоқат, матонат талаб этишини дилдан ҳис этди.

Хизматни оддий милиционерликдан бошлаган бу йигит бутунги кунда Андижон тумани ички ишлар бўлими Давлат автомобиль назорати бўлими бошлиғи, милиция майори.

Давронбек хизмат қиладиган туманда аҳоли зич жой-

лашган. Мазкур туман вилоятнинг Андижон шаҳри, Избоскан, Балиқчи, Пахтабод, Жалолқудуқ, Хўжабод, Булоқбоши, Асака, Олтинқўл туманлари ва шаҳарлари билан чегарадош. Бу ҳудудда тинчлик-осойишталикни сақлаш бошқа жойларга қараганда анча мураккаб. Шунинг учун ҳам раҳбарият Давронбекни мазкур жойга хизматга йўллаган. У лавозимга тайинлангач, биринчи галда ходимлар ўртасида интизомни мустаҳкамлашга катта эътибор берди.

Шу кунларда туман ИИБ ДАН ходимлари “Пайхон-2000” талбирида фаол қатнашаётганлар. Бундан ташқари, улар туман ҳудудида ёниги билан ноқонуний савдо қилишга қарши курашиб келмоқдалар. Бу қонунбузарликка болаларнинг жалб этилаётгани Давронбекни, айниқса ташвишлантиряпти.

— Табиийки, болалар қайсидир мактабнинг ўқувчилари. Уларнинг ҳам ота-онаси, ўзлари яшаётган маҳалла-қўйи бор, — дейди биз билан суҳбатда Давронбек Ғозиев. — Болалар ўртасида суриштирув ўтказганимизда, уларнинг қўлига арзимаган пулни бериб йўл ёқасига чиқариб қўйган одамлар топилди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддаси билан суд орқали жавобгарликка тортилмоқда. Халқимиз моддий бойлигини четга олиб чиқишга уринаётганлар ҳам учраб турибди. Жалолқудуқ туманида яшовчи Ш. Н. Андижон тумани ҳудудидан 150 литр бензинни олиб чиқиб кетаётганида тўхтатилди.

Андижон шаҳрида яшовчи А. К. қонунсиз равишда 9 тонна цемент маҳсулотини олиб чиқиб кетаётганида туман ҳудудида қўлга тушди.

Маълумки, инсон ўз умрининг маълум даврини йўлда ўтказиши. Йўловчимиз ёки ҳайдовчиси — улар учун талаб битта: йўлда юриш қоида-қоида билан ва унга амал қилиш. Давронбекнинг шиори ана шу.

Умида ЙЎЛЧИЕВА,
Андижон вилояти.

Хунарни асрабон неткумдир охир,
Олиб тупроққа му кеткумдир охир?

Ҳазрат Навоийнинг бу сатрларини ҳар гал эслаганимизда бизлар нима қилдик? Ортимиздан из қолдира олдикми, деган ўй-хаёллар гирдобига тортади мени. Ўз касбининг сирларини ўзлаштириб, шогирдлар етиш-

са, демаски, сен бесамар яшамасан. Ёшлар билан учрашганимизда, улар бизлардан нима-ларнидир ўрганмоқчи бўлиб савол берганларида, шу юртга кераклигимизни, ёшларга ибрат бўлгудек умр кечирганли-

ТОМИРИ МУСТАҲКАМ
БЎЛСА...

тирмаган инсонни мевасиз дарахтга қиёслагим келаверади. Негаки, мевасиз дарахт бир кун куриб ўтин бўлиб кетади.

Биз фахрийлар босиб ўтган умр йўлларимизда неча шогирд етиштирдик, бугун кексалик гаштини сураямиз-у, эл-юртга ҳозир ҳам қандай нафимиз тегапти деб ўзимга савол бераман. Бу саволларга ўзим жавоб топгандек бўламан. Чунки бизни йўқловчи шогирдларимиз борлиги, босиб ўтган йўлларимиз исзис бўлмаганлигидан қувонаман. Кексайганимизда сени кимдир йўқла-

гимизни ҳис атамиз. Ана шу ҳис бизни танамизда куч-қувват бор экан ҳаёт тажрибаларимизни ўргатиб яшашга ундайди.

Яна бир қувончли нарсаси, ички ишлар идораларида кўп йиллар ҳалол меҳнат қилиб фахрийлар қаторига қўшилганлар безътибор қолмаётганлигидан фархланамиз. Бундай эътибор Республика Ички ишлар вазирлигидан тартиб вилоят ички ишлар бошқармаси ва туманлардаги ички ишлар бўлимида ҳам йилдан йилга кучайиб бораётганлиги ҳам диққатга сазовордир.

Фахрийларимизни ҳар то-

“ПРОФИЛАКТИКА КУНИ”
ҲАР БИР ЖАМОАДА

Туман ва шаҳар ҳудудида жиноятчиликнинг олдини олиш ва фож этиш, жамоат тартибини сақлашда ўзига хос усуллардан фойдаланишга ҳаракат қилаёмиз. Шу ўринда ташкилот, муассаса, маҳалла ҳамда жамоа ҳўжаликларида профилактика кунлари ўтказилаётганини айтиб ўтиш зарур. Бинобарин, жойларда ҳуқуқий мавзуларда савол-жавоблар, мулоқотлар, мазмунли учрашувлар ташкил этилаётгани ўз самарасини бераёпти.

Ана шу ва бошқа саъй-ҳаракатлар натижасида умумий жиноятлар 2,7 фоиз, жиноят-қидирув соҳасидаги жиноятлар 5,5 фоиз, ўғрилик 2,1 фоиз, безорилик 9 фоиз, тан жароҳати етказиш 3,2 фоиз, оила турмуш соҳасидаги жиноятлар 11,2 фоизга камайишига эришдик.

Келтирилган рақамлар қувонарли. Аммо биз хотир-жамликка берилаётганимиз йўқ. Айниқса, оила турмуш доирасидаги жиноятлар, келишмовчиликларнинг олдини

олишга алоҳида эътибор бераёмиз. Яраштириш комиссиялари, маҳалла посбонлари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари, жамоа ҳўжаликлари раҳбарлари, туман ва шаҳар ҳўжаликлари вакиллари билан бирга оилавий жанжаллар келиб чиқаётган хонадонлардаги аҳвол ўрганилмоқда. Тегишли профилактик суҳбатлар ўтказилиб, ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар милиция ҳисобига қўйилаёпти. Ўз жонига қасд қилиш собаблари таҳлил қилиниб, уларнинг олдини олиш бўйича ҳўжаликларга тақлифлар киритилмоқда. Булардан ташқари илгари судланганларнинг турмуш тарзи қайта ўрганиш чикалаёпти. Эришилаётган натижалар эса юқорида айтиб ўтганимдек кўнглили бўлаяпти.

Биз бундан кейин ҳам халқимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш учун бор имкониятларни ишга солаверамиз.

Б. ШИРИНОВ,
Когон шаҳар ва туман ИИБ бошлиғининг муовини,
милиция майори.

Фахрийлар-фахримиз

монлама қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтган йилда уларга 2 миллион 84 минг сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. Йил давомида қўллаб фахрийларга моддий ёрдам берилди. 53 нафар фахрийлар Тошкент, Самарқанд ва Наманган вилоятларидаги санаторий ва дам олиш уйларида бўлиб, соғлиқларини тиклаб келишди. 80 нафар фахрийлар Самарқанд, Бухоро шаҳарларига зиёрат қилдилар.

Фахрийларимиз туман ички ишлар бўлимида ишлаётган ёш ходимлар билан турли мавзуларда суҳбатлар ўтказдилар. Бундан ташқари Фахрийлар кенгаши аъзолари мунтазам равишда ИИБ ўқув марказида таълим олаётган ёш йигитлар билан учрашувлар ўтказиб иш ва ҳаётий тажрибалари ҳақида сўзлаб бермоқдалар.

Фахрийларимиз, шунингдек, жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этишяпти. Улардан бири Жиззах шаҳар судида маслаҳатчи, саккиз нафари адвокат, уч нафари маҳалла кўмитасининг раиси, икки на-

фари қишлоқ фуқаролар йиғинининг раиси, саккиз нафар фахрий шаҳар ва туман ҳўжаликлари ва бошқа соҳаларда маслаҳатчи бўлиб ишлашяпти.

Фахрийлар кенгашининг аъзолари Сиддиқ Ибрагимов, Иброҳим Абдусатторов, Карим Ибрагимовлар ишбилан янада жонлантириш, ёшлар билан доимий алоқа боғлашда фаол иштирок этмоқдалар.

Агар ёшларни мева-дарахтга қиёс қилсак, фахрийлар ана шу дарахтнинг илдизларидир. Илдизларнинг қай даражада мустаҳкам бўлиши, келажакимизнинг мустаҳкамлигидир. Фахрийларимиз, ҳамиша эл осойишталиги посбонларига ўз ҳаётий тажрибаларини ўргатиб, юртимиз фаровонлиги, унинг тинчлигига ўз улушларини қўшаверадилар.

Жонузоқ

ТУРДИМУРОВА,

Жиззах вилояти ИИБ

фахрийларни

ижтимоий қўллаб-қувватлаш

кенгашининг раиси.

Навбатчилик қисми

УЯЛИ ТЕЛЕФОН ЭГАСИГА
ҚАЙТАРИЛАДИ

Тунги соат 2.10 да Миробод тумани ИИБ навбатчилик қисмига талончилик содир бўлгани ҳақида хабар тушди.

Тезкор гуруҳ ишга киришди. Суриштирув чоғида соат 00.30 лар атрофида номаълум шахс футбол уюшмасининг етакчи мутахассиси А. Р.га нисбатан жисмоний куч ишлатиб, уяли телефонини олиб қўйгани маълум бўлди. Қўрилган тезкор тадбирлар натижасида ушбу жиноятни содир этган, ишламайдиган О. Н. ушланди. Ундан олинган далилий ашё эгасига қайтарилди.

ИНСОНИЙЛИКНИ УНУТГАН
ҲАЙДОВЧИ

“Тошсельмаш” бозори қаршисида бахтсиз ҳодиса юз берди. Номаълум ҳайдовчи енгил машинани бошқариб бораётган, эҳтиётсизлик туфайли Д. Камоловнинг уриб юборди. Тан жароҳати олган бу фуқаро касалхонага жойлаштирилди.

Ачинарлиси шундаки, инсонийликни унутган ҳайдовчи жабрланувчига ёрдам кўрсатмай, жуфтакни ростлаб қолди. Ҳамза тумани ИИБ ходимлари томонидан тезкор тадбирлар ўтказилиб, ушбу ҳодисани “Нексия” русумли автомашинасида содир этган Ш. К. қўлга олинди.

“ДАРЁ БЎЙИ”ДАГИ ТАЛАФОТ

Сирғали тумани ИИБ навбатчилик қисмига “Дарё бўйи” тор қўчасидаги хонадонлардан бирида ёнгин содир бўлгани ҳақида хабар тушиши билан чақирилган манзилга жанговар бўлишга юборилди. Шунингдек, воқеа жойида Тошкент шаҳар ИИББ ЁСБ раҳбарияти, ХЕСБ ходимлари ҳозир бўлдилар.

Орадан чамаси ярим соатлар вақт ўтгач, ёнгин ўчирилди. Шунга қарамай уй эгаси, нафақадор П. Н.нинг 40 кв. м, майдондаги уй жиҳозлари ва томоннинг тахталдан тайёрланган панжараси ёниб кетди. Яна бир диққатга сазовор жойи, ёнган уйдан 15 метр нарида шу яқин ўртадаги уйлардан бирида истиқомат қилувчи нафақадор С. Б.нинг жасади топилди. Ўлим сабаби ва қўрилган зарар миқдори аниқланмоқда.

СУМКАДАН ОЛИНГАН ПУЛЛАР

А. Икромов туманида Тошкент шаҳар ИИББ КРТҚКБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир пайтида қаршилиқ Ф. Б. уч нафар шериги билан фуқаро С. Қ.га 6900 АҚШ долларининг ҳар бир АҚШ долларини 760 сўмдан пуллаб, 1000 сўм қайтиб бергач, хонадан чиқаётганида қўлга олинди.

Долларфурушлар бошқармага олиб келинди. Уларнинг иккита сумкасидаги пуллар санаб қўрилганда 5.245.000 сўм борлиги аниқланди. Юқорида кўрсатилган 6900 АҚШ доллари далилий ашё сифатида олинди. Валюта қомдасини бузган кимсалар қилмишларига яраша жавоб беришларига тўғри келади.

ТУНГИ 01 ДАГИ ТАЛОНЧИЛИК

С. Раҳимов тумани ИИБ навбатчилик қисмига “Қичқир” катта ариги олдида талончилик рўй бергани ҳақида маълумот тушди.

Тезкор гуруҳ аъзолари тунги соат 01 дан ошганда 2-такси саройи ҳайдовчиси Т. Расуловнинг “Доган” русумли автомашинасига Ҳамза метро бекати яқинида номаълум шахс ўтиргани ва юқорида кўрсатилган манзилга етганда пичоқ ўқталиб, ёнидаги 7300 сўм пулини тортиб олганини аниқлашди. Зудлик билан суриштирув ишлари бошланиб юборилди. Қўрилган чора-тадбирлар натижасида ушбу жиноятни содир этган пойтахтдаги иситиш қорхонаси ишчиси Р. А. ва унинг икки шериги ушланди.

А. ҲАКИМОВ,

Тошкент шаҳар ИИББ

матбуот маркази катта нозир,

милиция капитани.

СИЁБЛИК УЧАСТКОВОЙ

9-ШМБнинг бу ходимини Самарқанд аҳлининг аксарияти билади, балки қадимий шаҳар меҳмонларининг айримлари ҳам уни эслаб қолишган бўлса, ажабмас. Чунки катта участка вакили И. Мансуровни доимо ўз хизмат ҳудудида кўрасиз, гўё у бу ердан туну кун кетмайдигандай туюлади кишига. Унинг участкаси шаҳарнинг энг гавжум, масъулиятли ҳудудларини ўз ичига олади. Оламга машҳур Регистон мажмуаси ҳам, Бибиҳоним маҳити ҳам, донғи кетган “Сиёб” бозори ҳам шу ерда. Бу жойларсиз Самарқандни тасаввур этиб бўлмаганидек, милиция майори И. Мансуровга ўхшаган кишиларсиз шаҳар милициясини ҳам тасаввур этиб бўлмайди.

Мансуров участкаси ўта масъулиятли ҳудудда жойлашганлигини жуда яхши билади, хизмат вазифаларини кўнгилдагидек уддалаш учун бор имконини ишга солади. Унинг участкасида тарихий обидалар,

жамоатчилик масканларидан ташқари, турар жойлар ҳам кўп. Уларда турли миллатга, касбга мансуб тўрт мингга яқин

DUSHANBA 27

ЎзТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.40 "Талхилнома".
8.40 "Оҳангга тўлсин диёр". Му-
сий дасур.
9.10 "Ўзбектефилм" намоиш-
и: "Туй либослари".
9.30 "Ўзлик". Бадий-публици-
стик кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янги-
ликлар.
10.05 "Олтин тоғ". Телевизион
уйин.
10.30 "Одам - амфибия". Бадий
фильм.
12.05 "Соғлом авлод - бу бизнинг
кеలాхатимиз".
13.05 "XXI аср талабалари".
13.50 "Тиббиёт оламида".
14.10 "Оталар сўзи - ақлнинг
кўзи".
15.10 "Тараққиёт йўли".
15.30 "Шарқнинг машҳур аёлла-
ри".
15.50 "Оламга саёҳат". Кино-
курсау.
16.10 "Қишлоқ ҳақида ўйлар".
16.30 "Эдгар ва Кристина". Ба-
дий фильм.
17.50 "Жонсарақ". Мультфильм.
18.10 Болалар учун. "Наврўз че-
чаклари".
18.25 "Мувоозанат". Ахборот-таҳ-
лилий кўрсатув.
18.50 "Бахтли воқеа".
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Ассалом, Наврўзи олам!"
Бадий-музика дасур. Ўзбек
Давлат циркидан ёзиб олинган.
1-қисм.
22.25 "Шалаш оиласи". Телесе-
риал премьераси. 15-қисм (Мир
Араб Республикаси).
23.05 Халқаро театр кунига.
"Маънавият" дастури.
24.00 "Ахборот".
00.30 "Ўз иштиро билан". Бади-
ий фильм.
1.40 - 1.45 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

9.00 "Давр". Хафта ичида.
9.40 "Ёшлар" телеканалида.
9.45 "Янги авлод" почтаси. "Ким
эпчил-у, ким чаққон?"
10.20 "Музика халқлари".
10.30 "Темурнома": "Муқаддима".
Видеофильм.
10.50 "Олам футбол".
11.10 "Толёнома".
11.30 "Кинотакдим".
11.50 "Музика халқлари".
12.00 Халқаро театр кунига. Ба-
ҳодир Йўлдошев театри. "Қирол

Лир". 1-қисм.
13.30 "Олтин мерос".
13.45 "Ақл ёшдамас".
14.00 Баҳодир Йўлдошев театри.
"Қирол Лир". 2-қисм.
15.20 "Музика халқлари".
15.30 "Ёшлар" телеканалида:
"Спорт-2000".
16.20 "Якшанбада кўришгунча".
16.40 "Муваффақият гарови".
17.00 "Янги авлод": "Хар соҳага
саёҳат". "Мультмоша".
17.35 "Ёшлар" телеканалида:
"Спорт-2000".
18.25 "Буюк юрт фарзандиман".
18.40 "Дастхат".
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.30 "ТВ-анонс".
19.35 "Душанба дастуридагилар
ва бошқалар". Истеъдод-2000,
Таквим, Ёшлик баёзи.
19.55 "Дунёга йўл".
20.10 "Музика халқлари".
20.15 "Қишлоқдаги тенгдошим".
20.45 "2000 йил - Соғлом авлод
йили". "Аёл зоти". Видеофильм.
1-қисм.
21.20 Сиз севган хонанда Охун-
жон Мадалиев.
21.40 "Бир пиёла чой устида".
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.30 "Музика халқлари".
22.35 "Эколаш".
22.40 "Муҳаббат қаҳваси". Телесе-
риал.
23.25 Интерфутбол. Хафтанинг
энг яхши учрашуви.
00.00 "Давр". Ахборот дастури.
0.15 Интерфутбол. Хафтанинг энг
яхши учрашуви.
1.10 "Шарқ эстрадаси".
1.25 "Тонг юлдузи".

ЎзТВ III

17.30 "Эхтиром ила".
18.00 "Пойтахт". Ахборот кўрса-
туви (рус тилида).
18.20 Телегазета "Экспресс".
18.45, 20.00 "Табриклаймиз, кут-
лаймиз".
19.30 "ТВ плюс".
20.30 "Спорт-тайм".
20.55 Охшом ва эълонлар.
21.00 "Пойтахт".
21.20 ТВда сериал: "Қора дур
доналари".
22.10 Телегазета "Экспресс".
22.35 Киноингоҳ. "Бум-1".
00.15 "Хайрли тун, шахрим!"

ЎзТВ IV

РЖТ 6.30-8.00
15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕ-
НИЕСИ.
16.00 "Тотли оғу". Телесериал.
17.00 "Муштархона".
17.20 "Қушдек энгил бўлинг". М.
Евдокимов ҳузурида меҳмонда.

17.50 "Бугун оламда".
18.00 "Дил изхори".
18.45 "Олов ва қилич билан". Телесе-
риал.
19.45 "Хайрли тун, кичкинтойлар!"
20.00 "Время".
20.40 "Махфий ҳужжатлар". Сери-
ал (X-files).
21.35 "ТВ-да Немис тўлқини".
22.00 "Вести".
22.30 "Дил изхори".
23.00 "Ғолиблардан гулдаста".
Бадий фильм.
00.30 "Ахборот".
00.55 "Тунингиз осуда бўлсин!"

30-канал

Соат 15.00 га қадар

профилактика.
15.05, 18.00, 20.00, 00.50 - "Те-
лехамкор", "Метеохабар".
15.30 "Эсдалик учун дастхат".
Дам олиш дастури.
16.00 "Кичик сеньорита". Телесе-
риал (Бразилия).
16.50 Музика танавфус.
16.55 "Бахт" Телесериал (Брази-
лия).
17.45 "Интизор". Музика дасур.
18.25 "Ўзурпатор аёл". Телесе-
риал (Мексика).
19.10 "Ошиқона". Музика дас-
тур.
19.30 "Дундиқча". Телесериал.
20.25 "Клип-сова".
21.30 "Иккаламиз учун". Крими-
нал мелодрама (Франция - Ка-
нада).
23.30 Музика-дам олиш дасту-
ри.
24.00 "Инспектор Деррик". Крими-
нал сериал (Германия).

РЖТ

5.00 "Хайрли тонг!"
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 22.20 -
Янгиликлар.
8.15, 16.00 - "Тотли оғу". Сери-
ал.
9.15 "Хамма уйдиларида".
9.45 Бу қандай бўлган эди? "Со-
вет стелсининг сири". 1984 йил.
10.25 "Лаззатли воқеалар".
10.30 "Синдбодининг янги саргу-
заштлари". Сериал.
11.20 Футбол даври.
11.40 "Цивилизация" дастури.
12.10 "Навқирон Россия". Сери-
ал, 6-серия.
13.30 "Биргаликда" дастури.
14.20 Мультсериал.
14.45 "Нима ва қаерда".
15.00 "Юлдузли онлар".
15.25 "...16 ёшгача ва ундан кат-
талар".
17.20 "Қушдек энгил бўлинг!"
Михаил Евдокимов ҳузурида меҳ-
монда.
17.50 "Аралаш-қуралаш" журна-
лидаги кунвоқ воқеалар.
18.00 "Сени излайман".
18.45 "Олов ва қилич билан".

Сериал.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 "Время".
20.40 "Махфий ҳужжатлар". Сери-
ал.
21.35 "Нигрох".
22.45 "Земфира. Биринчи аль-
бом". Ригада концерт.
23.40 Тунг дасур. "Майк Хам-
мер: Гарлем ноктирни". Сериал.

РДТ

5.00, 6.00, 7.00, 8.00, 12.00,
16.00, 19.00, 22.00 - "Вести".
5.20 - 8.20 "Хайрли тонг, Рос-
сия!"
7.20, 24.00 - "Навбатчи қисм".
7.35 "Ойлави янгиликлар".
8.20 "Квант тиббиёти".
8.35, 11.40, 12.35 - Мультфиль-
млар.
9.00 "Гомеопатия ва саломатлик".
9.20 "Ўли аёл". Телесериал.
10.05 "Санта-Барбара". Телесе-
риал.
Ўлкамизда қутлуг Наврўз тантаналари давом этмоқда. Юртимизнинг қайси бир гўшасига борманг кишиларнинг диллари қувончга тўлиб, баҳор байрамини нишонлаётганларининг гувоҳи бўласиз. Шу жумладан, ички ишлар идораларида ҳам Наврўз айёми зўр шод-хуррамлик билан ўтмоқда.

Тошкент вилояти ИИБ ходимлари ҳар галгидек “Динамо” ўйингоҳини байрамона безатдилар. Вилоят ИИБ бошлиғи, милиция полковниги Ш. Расулов барча йиғилганларни қутлуг айём билан самимий табриклади. Бошқарма шахсий таркиби ўртасида ўтказилган спорт мусобақалари, айниқса, қизиқарли бўлди. Миллий таомлар, табиат неъматлари билан безатилган дастурхон атрофига фахрийлар ҳам таклиф этилди. Таниқли санъаткорларнинг ранг-баранг дастурдаги концертлари тантанга янада файз бахш этди.

М. СУЛТОНОВА.

Жиззахлик ички ишлар ходимлари байрамни бошқарма ҳовлисидаги Мотамсаро она ҳайкали пойига гуллар қўйишдан бошлашди. Вилоят ҳокими Ш. Мирзиёев, ИИБ Фахрийларни изътимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги марказининг раиси, истеъфодаги милиция генерал-майори Ф. Раҳимов, вилоят ИИБ бошлиғи, милиция полковниги Т. Муллажонов йиғилганларни Наврўз байрами билан муборакбод этиб, эл-юрт тинчлиги ва осойишталиги йўлида қилаётган хизматлариға муваффақиятлар тиладилар. Бошқарма бошлиғи бир гуруҳ фахрийларга чопон кийдирди. Вилоятнинг таниқли санъаткорлари байрам концертини намоиши этдилар.

Б. БАҲОДИРОВ.

ЎТ ЎЧИРУВЧИЛАР БИЛАН СУҲБАТ



Тошкендаги 17-шаҳар клиник шифохонасида ёнгин қоидаларига риоя этиш ва унинг олдини олиш борасида йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда Юнусобод тумани 6-ХЭСБ мутахассислари, ходимлари, шифохона ходимлари, шифокорлар, Юнусобод тумани Ғайратий маҳалласи фаоллари қатнашдилар. Йиғилишда 6 ХЭСБ бошлиғи муовини, ички хизмат майори Рустам Қосимов ички хизмат прапоршчиги Любовь Романовская сўзга чиқиб, ҳамшаҳарларимиз томонидан ёнгин қоидаларига риоя этмаслиги оқибатида келиб чиқаётган кўнгилсизликлар ҳақида гапиришди. Туманда 2000 йил февраль ва март ойларининг 10 кунини ичида 46 маротаба ёнгин содир бўлиб, бирнеча ўн минг сўмлик моддий зарар қўрилган, 2 киши ҳалок бўлган.

– Фуқароларимизнинг бепарволиги ва лоқайдлиги тўғрисида иситиш мосламаларидан, газ асбобларидан эҳтиётсизлик билан нотўғри фойдаланиши; ёш болаларнинг уйда ёлғиз қолиб, олов билан ўйнаши; “қўлбола электр иситиш анжомларидан фойдаланиши; маст ҳолда ўриндикда ётиб чекиши; хонадоннинг том бўғотлари ичида, ертўлаларда ҳар хил ёнғувчи моддаларни сақлаши натижасида шундай ёнгинлар келиб чиқмоқда, – деди ўз маърузасида Р. М. Қосимов.

Ёнгиндан сақлаш хизмати ходимлари касалхонада ёнгин содир бўлганда уни бартараф этиш юзасидан зарур маслаҳатлар беришди, шунингдек, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этишдаги камчиликларни тугатишда амалий ёрдам кўрсатишди.

Г. ПҲЛАТОВ,

ички хизмат лейтенанти.

КИТОБ ЎҚИМАЙДИГАН КИТОБХОН

2000 йилнинг 11 февраль кунини Ўрганч шаҳар деҳқон бозорида қўлида Александр Дюманинг китобини кўтарган антика китобхон пайдо бўлди. Бироқ бошқа китобхонлардан фарқли ўлароқ у китоб варакларини негадир очиб ўқишга асло шошилмасди. Китоб бетлари эса фақат бошқа жойда очилди.

Республикаимиз иқтисодиётига путур етказишни мақсад қилиб қўйган айрим нопок шахслар ҳар қандай разилликдан қайтишмайди. Ўрганч шаҳар Паҳлавон Маҳмуд кўчасида яшовчи ака-ука Илҳом ва Зокир Шоназаровлар Россия Федерацияси фуқаролари Олег Белов ва Валерий Зиковлар билан ўзаро тил бириктириб қалбаки 6 минг 800 АҚШ

М. АБДУЛЛАЕВ.

“01” ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, 1-тор Муқимий кўчасида жойлашган 2 қаватлик 1-уйда ёнгин содир бўлди. Ёнгин натижасида бинонинг том қисми, 8 та хонадон ҳамда улардаги уй жиҳозлари талафот кўрди... Ёнгин фуқаро М. Қодировга қарашли 4-хонадоннинг чордоқ қисмида электр симларнинг қисқа туташуви натижасида содир бўлди. Текширувлар жараёнида аниқланишича, мазкур бино маъмурилари бинодаги айрим салбий ҳолатлар учун бир неча бор огоҳлантирилган, ёнгин чиқиш хавфи остида бўлган, эскириб яроқсиз ҳолга келиб қолган электр тармок, сим ва ўтказгичлардан мунтазам фойдаланилиб келинганлиги учун биносининг ертўласига жойлашган бош электр тармоғидан фойдаланиш қарор асосида тақиқланган, камчиликларнинг бартараф этилишига совуққонлик билан қараб келган бино маъмурилари 4-акционерлик қорхонаси бошлиғи Т. Нурмухаммедова, бош муҳандис А. Ғуломов ҳамда омбор мудири И. И. Беловларга жарима солинган эди. Лекин, улар бундан ҳулоса чиқариб олмай, яна бепарволик қилишган.

А. Икромов тумани Бешкайрағоч кўчаси 17 А-уйда яшовчи Х. Усмоновларнинг уйида ёнгин содир бўлиб, унинг томи ва уй ичидagi жиҳозлар ёниб кетди. Ёнгинни ўчириш чоғида ўт ўчирувчилар хонадон аъзоларининг 3 нафарини, яъни фарзандларини соғ-омон олов қаъридан олиб чиқишга муваффақ бўлдилар.

Чилонзор тумани Чилонзор 2-даҳаси 50-уй, 17-хонадонда маст ҳолда сиргата чекишдан ёнгин содир бўлиб, ошхона жиҳозлари зарарланган. Ёнгин жойидан уй бекаси А. Лапустина ҳамда тўрт яшар қизча В. Сидировалар ўт ўчирувчилар томонидан олиб чиқилди ва биринчи ёрдам кўрсатилиб, касалхонага юборилди. Афсуски, қизчанинг отаси – Лапустиннинг жиҳияи Г. Сидировнинг қуйиб кўмирга айланавзган жасадиғина олов қаъридан топилиди...

Чилонзор тумани Ҳакимхон 2-тор кўча 1-уйда яшовчи М. Соиповалар хонадонида ёнгин содир бўлишига эса уй эгаларининг электр дазмолдан фойдаланиб бўлгач, электр тармоғига уланган ҳолда қаровсиз қолдирилари сабаб бўлди ва оқибатда уйнинг шифти ва уй жиҳозлари ёниб кетди.

Андижон вилояти Шахрихон тумани. “Дўстлик” жамоа хўжалиғида яшовчи Ф. Икромов хонадонида уйни иситиш мақсадида сандал остига қўйилган электр плитадан фойдаланиш оқибатида ёнгин келиб чиқиб, уйнинг томи ва жиҳозларини зарарлаган. Ачинарлиси, ёнгинни ўчириш чоғида 1999 йилда туғилган Дибёрбекнинг тутундан захарланиб вафот этган жасади топилиди.

Наманган шаҳар, Фунча кўча, 4-уйда ёнгин содир бўлди. Ён-

гиннинг келиб чиқишига печнинг ҳаддан ташқари қизиб кетганлиги сабаб бўлган. Натижада уйнинг томи, шифти ва уй жиҳозлари ёниб, хонадон соҳиби А. Валихоневга 160.000 сўмдан зиёд моддий зарар келтирди.

Бу каби ёнгинларнинг содир бўлишига, аввало ўзимизнинг бепарволигимиз сабаб бўлса, яна бир томони электр мосламаларидан нотўғри фойдаланишимиз, очиқ оловга эҳтиётсизлигимиз, ёнгин хавфсизлигига қаратилган талабларга амал қилмаслигимиз ёки уларни ҳақиқатда билмаслигимиздир. Шундан келиб чиққан ҳолда ИИБ Ёнгиндан сақлаш бошқармаси бу каби кўнгилсизликларнинг олдини олиш мақсадида фуқаролардан ёнгин хавфсизлиги қоида талабларига қаттиқ риоя қилиш, ёш болаларга нисбатан назоратни бир баҳа бўлса-да сўсайтирмасликни сўрайди.

Р. АСЛОНОВ,

ички хизмат катта лейтенанти.

Шу йилнинг ўтган даврида Тошкент шаҳрида 360та ёнгин содир бўлиб, қўрилган моддий зарар бир неча юз минг сўмни ташкил қилади. 12 киши ҳалок бўлиб, 9 киши турли даражада куйиш тан жароҳати олган.

● Мирзо Улугбек тумани ТТЗ – 1 даҳаси 6-уй 5-хонадонда ёнгин содир бўлиб, ушбу ёнгинда Н. Громов ва А. Катриченко қуйиб касалхонада ҳалок бўлган.

● Миробод тумани Қўйлик-3 даҳаси 2-уй 47-хонадонда содир бўлган ёнгинда ҳам хонадон эгаси қаттиқ куйиб В. Донилю вафот этган.

● Бектемир тумани Нурафшон кўчаси 52-уйда ёнгин содир бўлиб, ёнгин оқибатида уй жиҳозлари ёнган. Ёнгин аянчлиси ёнгинни ўчириш вақтида А. Угайнинг қуйган ҳолдаги жасади топилиб.

● Яккасарой тумани Муқимий кўчаси 17-уй 14-хонадонда содир бўлган, ёнгинни ўчириш жараёнида ушбу хонадон эгаси А. Ивановнинг жасади топилиб.

● Мирзо Улугбек тумани Ломоносов кўчаси 82-уйда ҳам болаларнинг олов билан ўйнаши натижасида ёнгин содир бўлиб, ошхона ва ҳаммомнинг шифт қопламаси ёнган.

● Юнусобод тумани 10-даҳа 2-уйнинг олдида қурилиш вагончасининг ички қопламаси ёнган. Ёнгин сабабчилари яна болажонлар.

● Ҳамза тумани Элбек кўчаси уйда ёнгин содир бўлиб, ёнгин оқибатида уйнинг томи, тахта панжараси ёнган. Ёнгинни ўчириш жараёнида уй эгаси В. Поликарпованинг жасади топилиб. Ёнгин келиб чиқишига, газ билан иситиш печининг носозлиги сабаб бўлган.

Ф. САЪДУЛЛАЕВА,

ички хизмат катта лейтенанти.

Қарши шаҳар ички ишлар бўлими томонидан жиноят содир этиб тергов идораларидан қочиб юрган қуйидаги шахслар



Ахтямов Анвар Александрович, 1971 йилда туғилган, Қарши шаҳар, 4-кичик тумани, 17-уй, 42-хонадонда яшаган.

Белгилари: бўйи 170–175 см, сочи қора, қошлари ингичка қора, кўзлари ўртача катталикда, қора, бурни ўртача катталикда, лаблари ўртача қалинликда, юзи чўзиқроқ, ўртача гавдали, алоҳида белгилари йўқ.

Мингулов Баҳодир Байиёвич, 1974 йилда туғилган, миллати ўзбек, илгари судланган, Қарши шаҳар Депо кўчаси 51-уйда яшаган.

Белгилари: бўйи 170–175 см, ўртача гавдали, сочи қора, қоши қалин қора, кўзлари юзига нисбатан чуқурроқ жойлашган, бурни тўғри, қулоқлари ўртача катталикда, лаблари ўртача қалинликда, юзи тўртбурчак.



Вольковский Александр Владимирович, 1971 йилда туғилган, миллати рус, Қарши шаҳар 6-кичик тумани, 7-уй, 22-хонадонда яшаган.

Белгилари: бўйи 170–175 см, ўртача гавдали, сочи сарғиш қалта, кўзи кўк.

Скрябин Александр Владимирович, 1976 йилда туғилган, миллати рус, Қарши шаҳар, 1-кичик тумани, 35-уй, 33-хонадонда яшаган.

Белгилари: бўйи 170 см, ориқдан келган, сочи оч сарғиш, кўзлари кўк.

Юқорида номлари зикр этилган шахсларни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.



Ривоят қилишларича, қадим замонда давру даврон сурган подшоҳ бир аёлни хузурига чорлабди. Унга уч нафар занжирбанд қилинган кишини кўрсатибди ва:

— Эй, ожиза, қаршингда турганларнинг бири — аканг, иккинчиси — ўғлинг ва учинчиси — турмуш ўртоғинг. Улар салтанатга нисбатан қилган жиноятлари учун нафратимизга дучор бўлганлар.

Аммо ёруғ оламда ёлғиз қолмаслигинг учун улардан бирини афв этмоққа қарор қилдим. Танла, қай бирининг гуноҳидан ўтай? — деб сўрабди.

Аёл кўп ўйлаб ўтирмай акасини танлабди. Кейин шохнинг лолу ҳайрон қолганлигини кўриб, ўз қарорини бундай изоҳлабди:

— Эй, марҳаматли Шох, эримдан жудо бўлсам — бошқа турмуш қуришим мумкин! Турмуш қургач, фарзандли ҳам бўларман, Аммо, ота-онам алақачон оламдан ўтиб кетишган, бошқа ака ҳам, ука ҳам тополмайман.

Подшоҳ бу жавобдан ғоят таъсирланиб, бандиларнинг ҳар учовини ҳам озод қилибди.



Халқ оғзаки ижодининг маҳсули бўлмиш бу ривоят баъзилар учун эски гап, баъзилар учун эса янгилик. Нима бўлганда ҳам, унинг мақсади бир қориндан таллашиб тушган ака-укаю опа-сингиллар ўртасида меҳр гулини парваришладир. Шу боисдан у тиллардан-тилларга, диллардан-дилларга кўчиб, асрлар оша яшаб келмоқда.

Ҳар кимнинг дунёқарashi ўзига хос. Биров бу ривоятни жон қулоғи билан тинглайди, бошқа биров эса худди эртақдай қабул қилади, яна биров эса вақтни зое кетказмаслик учун қулоқ ҳам солмайди.

— 23 январь кун хизмат машинада Балиқчи — Чинобод йўлида келаётгандим, — дейди Андижон вилояти ИИБ ДАНБ ЙПХ катта инспектори, милиция капитани Бахтиёр Нурматов. — Бир пайт юзлари тимдаланган, кийимларию қўллари қонга беланган кишига дуч келдим. У маст эди.

Машинамни тўхтатиб, нима бўлганини сўрадим. У ўзини 1969 йилда туғилган, Балиқчи туманидаги Янги ҳаёт қишлоғида яшовчи Аҳмаджон Бойқўзиев деб таништириди ва ўзаро жанжал оқибатида туғишган акасини ўлдириб қўйганлигини айтди.

25 январь кун Балиқчи тумани прокуратурасига ИИБ вақтинча сақлаш ҳиб-

схонасидан айбланувчини келтиришди. Холислару ҳимоячи ҳам шу ерда ҳозир бўлди. Терговчи Қаҳрамон Нодиров раҳбарлигида Янги ҳаёт қишлоғига йўл олди. Мақсад — айбланувчининг дастлабки тергов жараёнида берган кўргазмаларини воқеа жойида тасдиқлаб-мустаҳкамлаш.

Эндигина 33 ёшга тўлган Набижонни кеча мангулик уйига қўйиб келишган. Вақти келганда бир кўрпада ётиб катта бўлган жигарбандини сўнгги йўлга кузатиб қўйиш Аҳмаджонга насиб қилмаган экан...

Мана, у дафн маросимининг эртаси кун — азадорлар кўзидан оқаётган ёш қуримасдан, фотогага келгувчиларнинг оёғи тийилмасдан туриб, дастлабки тергов жараёнида берган кўргазмаларини тасдиқлаш учун воқеа жойига — киндик қони тўкилган даргоҳга қадам қўймоқда.

Қий-чув кўтариб йиғлаётган аёллар ҳам бир чеккага тўпланиб олиб, унга худди тирик одамнинг бошини ғажиган қонхўр бўрига қарагандек газабу нафрат билан тикилишди!

— Поччам меҳмон бўлиб келганди, — деди айбланувчи терговчининг саволига жавобан. — Ош қилдик ва мана бу уйда ўтириб, уч шиша вино ичдик. Кейин поччам уйга кетаман, деди. Таомилга бино-

ан уни кўчагача кузатиб чиқдим. Наби акамнинг кайфи ошиб қолганди. Қайтиб кирсам, кўзи тушиб, сени деб тўрт йил қамалиб чиқдим, ўшанда бир йўла тинчитиб қўя қолсам бўларкан, деб мени ура кетди. Ногирон бўлиб қолганлигим учун...

— Нима сабабдан ногирон бўлиб қолгансиз?

— Тўрт йил олдин ҳам жанжаллашиб қолганмиз. Акам мени пичоқлаб қўйиб, қамалиб кетгандилар. Ўшандан бери соғлигим яхши эмас.

— Кейин нима бўлди?

— Ташқарига қочиб чиқдим ухв анови гишт уюми устида ётган кетмонга кўзим тушди. Аччиқланиб, уйга кўтариб кирдим. Акам тўшакда чўзилиб ётган экан. Жаҳл билан бошига урдим.

— Неча марта?

— Аниқ эслолмайман. Ё уч марта ёки тўрт марта...

— Бор кучингиз билан урдингизми?

— ...Жуда жаҳлим чиққанди...

— Қўшимча қилишим керак, — деди терговчи атрофдагиларга. — Биз воқеа жойига келиб, мурдани кўздан кечирганимизда, жиноят воситаси бўлмиш кетмон унинг миёсига 10 сантиметр чуқурликда ботганини ва мия чаноғига санчилиб қолганлигини кўрдик. Уч-тўрт кишилашиб зўрға суғуриб олдик...

Қайтиб чиқаётган пайтимизда уввос солиб йиғлаётган аёллардан бири “Ҳақиқат қилинглари, ҳақиқат борми ўзи?” — дея аюханнос солди.

Ё раб, бу хунрезлик етти ёт бегоналар орасида эмас, бир отаю бир онадан бунёда келган биродарлар орасида содир бўлган-ку! Ука ўзини тўрт йил аввал пичоқлаган акасини кетмон билан чопиб ўлдирса, бунга ҳақиқатнинг нима дахли бор?

Назаримда, ана шундай таънаю дашномларимиз ҳам у қадар ўринлиги ўхшамайди. Жиноятчилар ёки бир-бири билан чиқишолмайдиган ака-укалар ёш бола бўлса — бошқа гап. Орқасига бир шаппатилаб, тўғри юр, уят бўлади десангиз.

Мақоламиз бошидаги ривоятни эшитмаган, вино ичиб, кайф қилишни дунё лаззати деб тушунадиган ва ниҳоят мастликда бир-бирини бўғайган бояги ака-укалар кимнинг насиҳати-га қулоқ осарди, дейсиз!

Ваҳоланки, орамизда шундай ака-укалар борки, умрининг ярмини яшаб қўйган бўлсалар-да, орала-ридаги истиҳолаю ҳаё пардаси бус-бутун. Бирга ичкилик истеъмол қилиш у ёқда турсин, ҳаттоки сигаретани ҳам яшириб чекишади.

Новдани у ёққа ҳам, бу ёққа ҳам эгиш мумкин, аммо танаси қотиб, ўша новда дарахт бўлиб етилгач, бунинг уддасидан чиқолмайсиз.

Зеро, улуг Шарқ донишмандларидан бири хўп топиб айтган:

Аввал гиштин қийишқ қўяркан меъмор, Юлдузга етса ҳам қийишқдир девор.

Бу билан юртдошларимизни бепарволикка чорламоқчи, уларга қайси шохга ўт тушса, ўзи ёниб-ўзи ўчади, бошқалар билан ишинг бўлмасин, демоқчи эмасман.

Айтмоқчиманки, ҳар бир ота-она ўзининг, аниқроғи, наслининг эртанги кунини учун бутундан бошлаб қайгуриши, боласига гўзал тарбия бериши керак. Акс ҳолда кейин кеч бўлади.

Раҳмонали ҚОСИМОВ,
милиция майори.

Жиноятчига жазо муқаррар!

ЎЗ ҚАДРИНИ БИЛМАГАН...

Ички ишлар бўлимига қотиллик жинояти ҳақида хабар қилинган заҳоти милиция полковниги К. Исоқов бошчилигидаги тезкор-қидирув гуруҳи зудлик билан воқеа содир бўлган жойга етиб борди. Хали ўттизга ҳам кирмаган йигит қонга беланиб, жонсиз ётарди. Гуруҳ раҳбари бошчилигида ИИБ бошлигининг ўринбосари, милиция майори У. Тожибоев, ЖКБ катта тезкор вакили, милиция капитани И. Бадалов ва тезкор вакил, милиция лейтенанти Р. Холдоровларнинг олиб борган тезкор-қидирув ишлари натижасида ҳеч қанча ўтмай қотил аниқланди ва қўлга олинди.

...Инсон билиб-билмай хато қилади — қонунни бузиб, жиноят содир этади ва қонунда кўзда тутилган жазосини олади. Жазо муддатини ўташ даврида ҳар қандай инсон ўз қилмишини мукамал ўйлаб кўриши, у туфайли фақат ўзи эмас, оиласи, келажаги қай аҳволга тушганини мулоҳаза қилиши шарт. Чунки жазони ижро этиш муассасаси — дам олиш уйи эмас, “қамалган” деган тамга эса ақли расо инсон учун уятли доғдир.

Лекин айрим шахслар ҳам борки, жиноят қилиб қамалиб чиққач, ўзини гўё қаҳрамон ҳис қилади, босар-тусарини билмайди, “ха” деганга “уёқда” бўлиб келганини рўқач қилиб, “дунёни сув босса, тўп-ғимга чиқмайди, мен “ўтириб” келган одамман” дея гердаяди. Ахир “ўтириб” келиш — қамокда жиноят учун жазони ижро этиш мақтан-диган, фахрланадиган эмас, қайтарамиз, ўз қилмиши учун атрофдагилардан уяладиган воқеадир.

Д. Шўхрат билан Т. Каримжон орасида чиққан жанжалга ҳам гиёҳвандлик моддалари билан боғлиқ жинояти учун “ўтириб” чиққан Т. Каримжоннинг беъмани мақтанишу, гердаишлари сабаб бўлган бўлса ажабмас. Лекин ҳозиргина “шер” бўлиб, мақтаниб турган Каримжон ўзаро жанжал оқибатида кутуриб Д. Шўхратнинг дуч келган жойига қайта-қайта пичоқ урган бўлса-да, қонга беланиб, йиқилган рақибининг аҳолини кўриб, унга ёрдам бериш ўрнига “шер”дан “куён”га айланиб, қочди. Лекин К. Исоқов, У. Тожибоев сингари тажрибали изкуварлардан қочиб қаерга ҳам борарди?

...Эндигина киш тафти кета бошлаган заминдан баҳорнинг илк майсалари бош кўтарган кунларда — 3 март кун йигирма саккиз ёшли йигит қаро ер бағрига қўйилди. Эртаси кун, 4 мартда эса унинг қотили титраётган қўллари кишанга тутди...

Дейдиларки, йигитга қирқ ёшгача Оллоҳ ўлим бермас, унинг ўзи ўлимни излаб топар экан. Шўхрат жанжални пулга “сотиб олади-ган” Каримжон билан ўчакишмаганда, Каримжон эса бир гал қамалгач, ақли ҳушини йиғиб олганда уларнинг ортидан икки оила аъзолари — ота-оналари, жигаргўшалари қақшаб қолмас эди. Начора, қилмиш-қидирмиш, дейдилар. Ўз қадрига етмаган инсон ўзгалар қадрига етармиди?

Шунингдек, Чортоқ туманидаги Мучум қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Н. Андибеков ИИБга ариза билан мурожаат қилиб, 3 февралга ўтар кечаси уч нафар ниқобли номаълум шахс хонадонларига бостириб кириб, эр-хотиннинг оёқ-қўлини боғлаб, уриб, пул талаб қилишганини, кўз олдиларида сандиқдаги бор мол-мулкларини олиб кетганликларини маълум қилган эди. Олиб борилган тезкор-қидирув ишлари натижасида жуда тез муддатда босқинчилар аниқланиб, қўлга олинди. Улар худди шу фуқаролар йиғинида яшовчи, муқаддам судланган Т. Алишер, шунингдек, Ж. Қодир ва Э. Хусниддинлар бўлиб чиқди. 1976-81 йилларда туғилган, бирор ерда ишлашни ўзларига эп кўрмай “ниқобда бизни ҳеч ким танимайди” деган хаёлда тап тортмай ҳамқишлоқларининг уйига босқинчилик қилган бу “азаматлар” олган “ўлжа”ларини тақсимлашга улгурмай, қўлга тушди.

Тумандаги Алихон қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи муқаддам судланганлар Р. Илҳом ва Р. Иброҳимлар ҳам кечаси “адашиб” Р. Назаровнинг деворидан ошиб ўтиб, боқувдаги кўчқорини етаклаб кетган эдилар — эртасигаёқ далилий ашё билан қўлга олинди.

“Ишлашни хоҳлаган — имконият қидиради, хоҳламаган — баҳона” деганларидек, гўё “кўнглига ёқадиган иш тополмай” аслида эса бекорчиликнинг ҳавосини олган, текин томоқ илинжида юрган бу йигитлар ҳам қилмишлари учун қонун, ҳамқишлоқлари олдида жавоб беришлари шубҳасиз.

Қ. МАВЛОНОВ,

Чортоқ тумани ИИБ ЖКБ бошлиғи, милиция капитани.

ЁРДАМ БЕРИШ ЎРНИГА...

Маълумки қамок жазосини ўтаб чиққанларнинг қайта жиноят содир қилмасликларининг олдини олиш мақсадида туманларда, шаҳарларда ижтимоий кўнма марказлари ташкил қилинган.

Марказнинг асосий вазифаси озодликка чиққанларни иш билан таъминлаш, моддий ёрдам бериш, соғлигини йўқотганларга даволанишда кўмаклашиш, қўшимча иш ўринларини ташкил қилиш, хуллас, улар моддий томондан қийналиб, қайта жиноятга қўл урмасликлари учун бирламчи зарурий ижтимоий ҳимоялаш чораларини кўришдан иборатдир.

Албатта бу ўз самарасини бермоқда. Қамалиб чиққанлар томонидан жиноят содир этилиши камаймоқда.

Лекин Шуманай тумани ҳокимлигининг ижтимоий кўнма маркази ходими С. Б. нинг бу борадаги ҳатти-ҳаракатлари кишини ташвишга солади.

У қамалиб чиққанлар тақдирини кўра, ўз манфаатини кўпроқ ўйлади. Натижада уларга берилиши лозим бўлган 79 минг сўмни қалбаки хужжатлар тўғрилаб, ўз фойдасига ўзлаштириб юборди. Унинг қинғир иши албатта ёпилиб қолмади: қонун ҳимоячилари томонидан очилди ва у, албатта, жазосини олади. Қийналганда моддий ёрдам ёки бир оғиз ширин сўзнинг нақадар азиз эканлигини энди унинг ўзи ҳам тушуниб етар.

Д. ХУДОЙШУКУРОВ.


БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН



Улуғбек Бегалиев, 1968 йилда Жиззах вилоятида туғилган, С. Раҳимов тумани, Юнусов кўчаси, 6-уй, 21-хонада яшаган. 1998 йил 24 октябрь кун ўз уйдан чиқиб кетиб қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 175 см, ўртача гавдали, сочи қора калта, қоши ёйсимон, юзи думалок, бурни тўғри, лаблари ўртача, ияги тўғри, қулоқлари ўртача.

Кийимлари: эғнида кулранг пальто, қора костюм-шим, оқ кўйлак, оёғида қора чарм туфли бўлган.



Оқил Алиев, 1972 йилда туғилган, Форобий кўчаси, Мухо-кама тор кўчаси, 31-уйда яшаган. 1999 йил 20 март кун ўз уйдан чиқиб кетиб, бедарак йўқолган.

Белгилари: бўйи 170 см, юзи тухумсимон, сочи қора, қошлари тўғри, бурни тўғри, лаби ва қулоқлари ўртача.

Кийимлари: эғнида жигарранг чарм куртка, жигарранг жемпер, кўк трико, кўк труси, оқ майка, оёғида қора туфли бўлган.

Юқорида номлари зикр этилган фуқароларни кўрган-билганлар бу ҳақда С. Раҳимов тумани ИИБга 46-09-90, 46-68-67, 48-40-59, 48-40-69 рақамли телефонлар ор

МЕХР ҚАНИ ОҚИБАТ ҚАНИ?

Инсон бошқа мавжудотлардан нимаси билан фарқ қилади? Ҳа албатта, ақл-идроки, меҳр-оқибати ва яна кўплаб ижобий фазилатлари билан фарқланади. Чунки ҳаётда тинчлик, озоишталикнинг сақланиши кўпроқ инсонларнинг бир-бирига меҳр-оқибатига боғлиқ...

Нақл қилишларича, Турон заминда "енгилмас" деб ном олган Пахлавон Маҳмуд Хиндистонда ўтказиладиган кураш бўйича дунё биринчилиги учун бўладиган мусобақаларга таклиф қилинган. У киши Хиндистонга бориб, меҳмонхонага тушган экан. Мусобақа бўлишидан бир кун аввал ташқарига чиқиб кетаётган Пахлавон Маҳмуд бир четда йиғлаб ўтирган кекса аёлни кўриб, унинг ёнига борибди ва аҳвол сўрабди.

— Э болам, ҳолими сўрама, — кўз ёшлари ажинли юзларини ювиб дебди аёл. — Ўғлим подшоҳ саройида биринчи полвон — шоҳнинг шахсий полвони. Уни ҳали ҳеч ким енгмаган. Лекин Пахлавон Маҳмуд исмли бир туркистонлик полвон келган эмиш, унинг елкасини ерга теккиздиган одам бу оламда йўқ эмиш. Мен ўша полвондан шафқат сўраб келдим. Чунки у ўғлимни енгса, бизнинг кўп кишиликл оиламизнинг ҳоли танг бўлади — подшоҳ ўғлимнинг калласини олади, биз боқувчимиздан ажраб, очдан ўламиз. Наҳот ўша полвонда меҳр-шафқат, оқибат бўлмаса — бир гарибларнинг очдан ўлишимизга парво қилмаса?! — Онажон, хотиржам бўлинг, ўғлингиз голиб чиқади, — деб уни юпатибди Пахлавон Маҳмуд. Ва эртаси

куни унинг ўғли билан бел ушлашган онда бир тиззасини ерга ташлабди — "енгилдим" дея белги берибди. Унинг кураш тушмай мағлубликни бўйнига олгани узоқ вақтгача сир бўлиб қолибди...

...Ҳозир айна куч-қувватга тўлган, кучини нимага сарфлашни билмаган айрим йигитларни кўриб, "эссиз йигит номи" дея афсусланмай иложингиз йўқ. Чунки қадди-келбати билан ҳар қандай одамнинг ҳавасини келтирувчи бу йигитларнинг камчилиги — бир жойда ёлчотиб ишламайди, ишлашга уларнинг бўйни ёр бормади. Натижада уйда узала тушиб, кечгача телевизиор томоша қиладилар, бир иш қўлидан келмай, эртадан кечгача уй бекаси бўлмиш рафиқасини ёки ота-онасининг гашига тегиб арзир-арзимас баҳона билан жанжал чиқарадилар, чунки кун-уззукун бекорчи ҳаёллар банд этган калла салга "олов олади". Қарабсизки, нима сабабдан келиб чиқганини эслаб ҳам бўлмайдиган жанжал охир-оқибат фожиа билан тугайди: оилада, ота-она-ўғил, ака-ука, она-бола орасидаги меҳр-оқибатни гиди-бидилар еб, адо қилади. Ва ўша оқибатсизлик фарзандни жаҳолатга бошлайди, кўзини кўр, ақлини қосир қилади. Қарабсизки...

Эрталабдан Бухоро вилояти Жондор туманида яшовчи Сайфулла отанинг (исмлар ўзгартirilган) оиласида қий-чув бошланди: нафақадаги 83 ёшли ота йигирма беш ёшида ҳам бир ишнинг бошини тутишни ўйламаётган такасалтанг ўғлига "ишга кир" деб ба-лога қолганди. Жанжалнинг охири — ўғил қўлига пичоқни олди-ю: "Ўлдирсам — қутуламанми сиздан?" дея отанинг қорнига урди — ота талваса билан жон берди.

Ёки Фарғона вилоятидаги Кува туманида яшовчи оилада ҳам 35 ёшли ўғил "ишлагин, оила тебратишни ўргангин" дея "жонига тегаверган" ота-онасининг бошларига мисранг (лом) билан аёвсиз урган ва ота ўша жойда ўлиб, она беҳуш ҳолда касалхонага келтирилган. Худди шунга ўхшаш воқеа — 30 ёшли қиз "тўғри юр" дея талаб қилган онаси билан жанжаллашиб, оқибатда онасининг елкасига пичоқ урган.

Фарзандларнинг бу даражада меҳрсиз-оқибатсиз бўлиб вояга етишига, ота-онани ҳурмат қилмай, уларга қўл кўтариб, ўлдиришгача боришига, балки ота-оналарнинг ўзлари ҳам маълум даражада айбдордирлар. Улар фарзанд тарбиясида қаердадир, нимададир хато қилган бўлсалар бу шубҳасиз уларда меҳр-оқибат, одамгарчилик каби инсоний ҳис-туйғуларни камол топтира олмаганликлари ёки бу туйғулар... ўзларида ҳам унчалик ривожланмагани боисдир, балки.

Қўқон шаҳрида яшовчи ака-ука орасидаги жанжал

Маънавият

ҳам уқанинг ишламаслиги, ака наздида "текинхўрлиги"дан келиб чиқиб, ака-укани пичоқлаб ўлдириши билан якунланди. Наманган вилояти Учкўрғон туманида яшовчи ака уқасининг бошига болға билан уриб, Хоразм вилояти Урганч туманида яшовчи ука эса ақасининг бошига болта билан уриб ўлдирган. Хўш, оилада шунчалик жанжал, тўполон бўлаётганда оиланинг бошқа аъзолари, ён-атрофдаги қўни-қўшнилар наҳотки бир инсон иккинчисини уриб ўлдиргунча томошабин бўлиб турган бўлсалар?! Акс ҳолда болта кўтарган уқани, пичоқ кўтарган ака, ўғилни қўлидан тутиб, қотилликнинг олдини олмасмидилар? Бунинг учун улардан яна ўша оддий нарсаси — меҳр-оқибат талаб қилиниши табиий эмасми?

— Бундай нарсаларни отам ёки онам менга ўргатмаган, — дейди ука бошига болта кўтарган ака. Лекин у билмайдик, "бу нарсаси"ларни кимдир ўргатиши, ақл бўлиши шарт эмас: инсоннинг онги, ақл-фаросати бут бўлса, уйда оиласида меҳр-оқибатни "ўргатишмаганда" ҳам атрофидаги инсонларга боқиб, уларнинг меҳр-оқибатидан ўзига "салгина" оқтириб... ўрганиб кетаверади... Бунинг учун инсоннинг ўзида озгина интилиш, тафаккур бўлса бас.

Айрим инсонларнинг феъли қизиқ. Фалон минг-миллион сўмлик буюмларга интилади, бор-йўғини сарфлаб бўлса-да, унга эришади. Лекин энг арзон ва текин, аслида бебаҳо саналмиш меҳр-оқибатни оёқ ости қилишади. Меҳр-оқибат кўтарилган жойда эса фожиялар келиб чиқаверади...

Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА.

ОНАЗОВУРДАН КЕЛГАН НУДО

Алишер ҳар галгидек ўз тирикчилиги йўлида 1999 йил 31 май эрталаб соат 10 ларда отаси Жўракул Муҳиддиновга тегишли бўлган "Тико" русумли автомашинасини обдон тозалаб, техник ҳолатини кўздан кечириб, йўловчиларга хизмат кўрсатиш илнжида ишга жўнади. У автоуловини моҳирлик билан бошқариб борар экан, ҳаёлан бугун бўладиган даромадини сарҳисоб қилар, 2 нафар фарзандимга қандай ширинликлар олиб бориб хурсанд қилсам экан, деб ҳаёлидан ўтказди (турмуш ўртоғи тижорат баҳонасида шаҳарма-шаҳар кезиб, оила ва болаларига нисбатан эътиборсиз бўлиб қолган эди).

Шундай ширин ҳаёллар оғушида бораётган Алишер бугун уни мудҳиш ўлим кутаётганлигидан беҳабар эди.

Бухоро туманида яшовчи Расул Кўзиев автомобиль тўхташ жойида узоқ таниши Алишерни кўриб, машинасига ўтирди ва бир вақтлар унга берган қарзини (Расулнинг кўрсатмасидан) қайтариб беришини талаб қилади. Алишер ундан ҳеч қандай қарзи йўқлигини айтиб, машинадан тушишини ва уни тинч қўйишини сўрайди. Шунда Расул, агар қарзни қайтариб бера олмасанг мени шу қарз эвазига Когон тумани ўртақ қишлоғига олиб бориб кел дейди. Аслида бу иккала йигитнинг ҳам Когон туманида ҳеч қандай юмушлари йўқ, ниятлари орани очик қилиш эди.

Машина Бухоро — Қашқадарё йўналиши бўйича кенг ва раvon йўлдан шамолдек олиб ўртақ қишлоғига етиб борар-бормас Расул машинани Куймозор томон буришни айтади. Овлоқ, кимсасиз чўлда тўхтаган машинадан чиққан бу икки йигит ўзаро гап таллашиб мушталлашади ва Расул Алишернинг қўлидаги қаттиқ жисмини (кейинчалик аниқланишича пичоқни) қайтариб олиб, унинг ўзига бир неча бор уради. Етказилган оғир тан жароҳати натижасида ҳушини йўқотган Алишерни у Озатовур канали бўйида қолдириб, ўзи унинг машинасида Бухоро шаҳрига қайтади (булар Расулнинг кўрсатмасидан). Чалажон Алишер тобора ҳолсизланиб, қанчалар нола-фарёд чекмасин, унга кимсасиз чўлда ҳеч ким ёрдам бера олмас эди. Фақат Озатовургина инсон боласининг бу мудҳиш жиноятига тилсиз гувоҳ бўларди.

1999 йилнинг 1 июнь куни қўи-қўзиларини ўтлатиб юрган чўпон Озатовур канали бўйида ётган жасадни кўриб, ички ишлар идораларига хабар қилади. Воқеа жойига борган тезкор гуруҳ 32-33 ёшлардаги эркак кишининг жасади, унинг атрофидаги оёқ излари, сал нарироқда машина гилдирагининг изидан бошқа ҳеч нарсаси топа олмайди. Вилоят ИИБ бошлиғи милиция полковниги Хомиджон Мирзараҳимов тезкор-қидирув гуруҳининг дастлабки олиб борган фаолияти ҳақидаги ҳисоботни тинглаб, биринчи галда мурданинг шахсини аниқлашга киришиб, тинимсиз иш олиб бориш лозимлигини уқтирди. Шу куни вилоят телевидениеси орқали мурданинг сурати бир неча бор кўрсатилди. Бу тадбир ўз самарасини берди — Бухоро шаҳрида яшовчи Жўракул Муҳиддинов кўнгирок қилиб, суратдаги йигит унинг ўғли Алишер Муҳиддиновга жуда ўхшашлигини маълум қилди. Жасад кўрсатилгач, у ўғлини таниди. Эндиги вазифа қотилликни содир этиб, марҳумга тегишли "Тико" автомашинасида номаълум томонга кетган жиноятчини аниқлаш эди.

Расул "Тико" машинасини уч кеча-кундуз ҳали у жойда, ҳали бу жойда яшириб юриб, сўнгга ўзининг уйига олиб келади. Бухоро тумани худудида жойлашган автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи Камол Кўшаев ва Шухрат Бозоровлар билан келишиб ўз уйида "Тико" машинасини эҳтиёт қисмларга ажратиб, сўнгга шу қишлоқдаги тракторчи Собир Раҳмонов бошқарувида бўлган таркторда "Тико"дан қолган қуруқ рамани жамоа ҳўжалиги худудидан оқиб ўтувчи захкаш бўйига олиб бориб ташлашади. Халқимизда еб тўймаган ялаб ҳам тўймаган мақол бор, бу мақол шу "усталар"га ўхшаш кимсалар ҳақида айтилган кўринади. "Тико" рамасида қолган 4 та гилдираклар ҳам "увол" бўлмасин деб ечиб олинади.

Тезкор-қидирув гуруҳи аъзолари томонидан қўлга олинган "усталар" ва тракторчи кўрсатмаларига қарамай Расул ўз қилмишига осонликча иқдор бўлмади. У далил йўқ, мен фақат далилларга ишонаман, менга тўхмат қиляпсизлар, деб оёқ тирарди. Тезкор ходимлар "Тико" машинаси қисмларини Расулнинг кўзи ўнгидан унинг уйидаги яшириб қўйган жойидан топиб олганларидан кейингина у қилмишини тан олди. Ушбу жиноятни фож эйтишда вилоят ИИБ жиноят-қидирув бошқармаси бошлиғи ўринбосари милиция подполковниги Ф. Насуллаев, бўлинма бошлиғи милиция майори Б. Халилов, тезкор вакил И. Баҳромов, Когон тумани ИИБ бошлиғининг 1-ўринбосари милиция подполковниги Э. Ражабов, Бухоро тумани ИИБ ЖКБ бошлиғи милиция майори Ў. Ражабов ҳамда вилоят прокуратураси терговчиси И. Бақоевларнинг хизматлари таҳсинга сазовор бўлди.

Вилоят суди ушбу жиноят ишини кўриб чиқиб, айбдорларни жазолади, қотиллик содир этган Расул Кўзиев эса олий жазога ҳукм қилинди.

Х. БОЛТАЕВ,
милиция подполковниги.

Билмаганини сўраб билунг

Милиция ходими эҳтиётсизлик туфайли жароҳат олган фуқарога ёрдам бериш мақсадида бир ҳайдовчини тўтатган эди у "вақтим йўқ" деб кетиб қолди. Шу инсофданми?

Қ. Ўроқов,
меҳнат кексаси.

Йўқ, албатта. Ушбу ҳолат бўйича Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгар-

лик тўғрисидаги кодексининг 194-моддасида жавобгарлик белгиланган. Унга

кўра милиция ходимининг қонуний талабини бажармай, жабранувчига ёрдам кўрсатмаган фуқарога энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмининг то энг кам иш ҳақининг икки барава-ригача миқдорда жарима солинади.

Узоқ вақт яёв юриб, дунёни кезган чет элликлар ҳақида кўп эшитганмиз. Ўзимизда ҳам ана шундай саҳ-хат ишқибозлари бор экан. Шу тўғрими?

З. Одилов,
шифокор.

Маълумотларга қараганда журналист Тошмамет Рўзиев 47 ёшида Тошкентдан пиёда саёҳатга чиқиб, уч йил давомида 17 минг километр йўл юрган. Унинг елкасида йўл учун зарур бўлган 30 килограмм юк бор эди. Сайёх журналист Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон республикалари, шунингдек Таллин, Рига, Вильнюс, Минск, Киёв, Москва каби талайгина шаҳарларни кезиб чиққан.

Саъдулла ШОДИЕВ
тайёрлади.

3. Муҳаммаджонов, ҳуқуқшунос:

— Сиз алмаштириладиган икки хонали иккита уй топиб, даво аризаси билан судга мурожаат қилинг. Суд аризангизни ўрганиб чиқ-қач, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг

Кўп қаватли, тўрт хонали уйда яшаймиз. Умр йўлдошим билан қонуний ажрашдик. У "уйдан чиқиб кетинг", деб холи-жонимга қўймапти. Мас-лаҳат беринг, қандай йўл тутай?

К. Мамадалиев,
Тошкент шаҳри.

107-моддасига биноан риш тўғрисида қарор чиқари-ради.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАНЛАР

Тошкент шаҳар С. Раҳимов тумани ИИБ томонидан бедарак йўқолган куйидаги фуқаролар қидирилмоқда.

Дилдорахон Бобожонова, 1977 йилда туғилган, Собир Раҳимов тумани Қора-қамиш 2/3 даҳаси, 4-уй, 6-хонасида яшаган. 1999 йил 16 февраль куни уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 165 см, ўртача гавдали, юзи тухумсимон, сочи қора елкасига тушади, қоши ёйсимон, бурни тўғри, лаб-лари ўрта, ияги тўғри, қулоқлари ўрта.

Кийимлари: эғнида қора юбка ва кофта, оёғида қора туфли бўлган.

Бу фуқаролар ҳақида маълумотга эга бўлганлар С. Раҳимов тумани ИИБга 46-09-90, 46-66-67, 48-40-59, 48-40-67 телефонлар орқали хабар беришларини сўраймиз.

Тошкент вилояти, Янгийўл тумани ИИБ томонидан бедарак йўқолган куйидаги фуқаролар қидирилмоқда.

Матлуба Рихсиева, 1964 йилда туғилган. 1999 йил 26 июль куни ўзи яшаётган Янгийўл тумани Иноғамов кўчаси, 37-уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгил

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
бошқармалари, вилоятлар ИИБ ва бошқа ташкилотлар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси ИИБ алоқа ва махсус техника воситаларини таъмирлаш устaxonаси шартнома ва мурожаат асосида хорижда ҳамда МДХ давлатларида ишлаб чиқарилган замонавий алоқа ва махсус техника, шунингдек, маиший техника воситаларини таъмирлаб, техник қондалар асосида сошлаб беради.

Шу билан бирга алоқа ва махсус техника воситаларини ойлик техник кўриқдан ўтказишни ўз зиммасига олади.

Тел.: 139-77-14, 139-78-46, 34-49 (ички).

Спорт

“ВАТАН ЎҒЛОНЛАРИ” КУБОГИ АРМИЯЧИЛАРДА

Илгари хабар берганимиздек, 21 март куни “Жар” спорт-соғломлаштириш мажмуи ўйингоҳида республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва кучли тизим идоралари ходимлари ўртасида “Ватан ўғлонлари” кубоги учун ўтказилаётган футбол турнирининг финал мусобақалари бўлиб ўтди.

Ушбу финалга йўлланма олиш учун саккиз жамоа икки гуруҳга бўлинган ҳолда ўзаро куч синашди. Натижада ўз гуруҳларида биринчи ўринни республика Ички ишлар вазирлиги ва Мудофаа вазирлиги жамоалари қўлга киритди. Иккинчи ўринларни эса республика Бош прокуратураси ва Давлат солиқ қўмитаси футболчилари эгаллашди.

Финал учрашувида кескин баҳслардан сўнг Мудофаа вазирлиги жамоаси рақибни 1:0 ҳисобида енгиб, шохсупанинг юқори поғонасига кўтарилди. Республика ИИБ Ака-

демияси футболчиларидан ташкил топган вакилларимизга эса иккинчи ўрин насиб этди. 3-4 ўринлар учун ўтказилган беллашувида омад республика Бош прокуратураси ходимларига қулиб боқди. Ҳисоб — 1:0.

Ғолибларга оркестр садолари остида кубоклар ва эсдалик совғалари топширилди. Турнирда дарвозабон — А. Маликов (Бош прокуратура), ҳимоячи — А. Павлов (МХХ), ярим ҳимоячи — Ш. Тошпўлатов (Давлат божхона қўмитаси), ҳужумчи — М. Хамидуллин (Давлат солиқ қўмитаси) турнирнинг энг яхши ўйинчиси, Ш.Одилов (Мудофаа вазирлиги) эса энг мохир тўпурар деб топилди.

Турнирнинг тантанали ёпилиш маросимида республика Ички ишлар вазирининг муовини, ички хизмат полковниги Ш.Мавлянов иштирок этди ва ғолибларни қизғин қутлади.

Ўз мухбиримиз.



Суратда: финал баҳсларидан лавҳа.

А.САПАРМАТОВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ШТБХ раҳбарияти ва шахсий таркиби Навоий вилояти ИИБ ШТБХ бошлиғи ўринбосари милиция подполковниги Наил Хаббулович Сулеймановга волидаи муҳтарамаси

Миниямал СУЛЕЙМАНОВанинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдирадилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ДАНББ раҳбарияти ва шахсий таркиби Бош бошқарма бошлиғининг собиқ ўринбосари истеъфодаги милиция полковниги

Николай Васильевич ФЕДИНининг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдирадилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Эксперт-криминалистика бўлими раҳбарияти ва шахсий таркиби ЭКБ махсус тадқиқот бўлимидаги эксперти милиция капитани Мехри Эровага акаси

Хайитмат Худойбергенович ЭРОВанинг


вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Нақлиёт Ички ишлар бошқармаси Тошкент бекати тармоқ ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби қабул қилиш ва тақсимлаш муассасаси ходимлари — милиция старшинаси Алишер Тўрахонов ва милиция катта сержанти Ботир Тўрахоновларга волидаи муҳтарамалари

ШАРОФАТ аянинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдирадилар.

ЧАЙНКРОССВОРД



1. Паррандаларни овлаш анжони. 2. Пахта каби юмшоқ нарсаларнинг уюми. 3. Рангдор тош. 4. Кучли, уюрмали шамол. 5. Ўзбекистон жанубидаги туман. 6. Инерт газ. 7. Эркин Вохидов достони. 8. Тошкентдаги атторлик, кўн буюмлари қорхонаси. 9. Ҳосилнинг асоси. 10. Қунботар. 11. Гўзал, келишган аёл. 12. Бўйни узун сув паррандаси. 13. Мумтоз шоир Саъдийнинг ватани бўлган шаҳар. 14. Қовуннинг қишга сақланадиган тури мажмуи. 15. Ўзбекистонда пул бирлиги. 16. Тебраниш частотасининг ўлчов бирлиги. 17. Канадада майда пул. 18. Қадимда кўзни равшан қилиш учун фойдаланилган модда, мис сульфат. 19. Асосан Осиёнинг шимоли-шарқида яшовчи, турк тилида сўзлашувчи халқ. 20. Дунё океани. 21. Ип йигириладиган дастакли асбоб. 22. Юлдуз Усмонова ижросидаги кўшиқ. 23. Таққослаш, баҳолашга мўлжалланган ўлчов. 24. Ашгабад яқинидаги қадимги Парфия подшоҳлиги қароргоҳи бўлган шаҳар. 25. Маърифатли, билимдон киши. 26. Дин, шариат қонунлари ҳақидаги фан. 27. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг фарзанди. 28. Араб алифбосидаги ҳарф. 29. Ёлвориш, ўтириш. 30. Инсоннинг идрок этиш қобилияти. 31. Бебаҳо, қимматли нарса. 32. Адо этилиши мажбурий бўлган нарса. 33. Ўзга уруғи. 34. Отнинг “поябзали”. 35. Ёқутистондаги тоққа номдош дарё. 36. Қадимда маълум ҳудуд ҳукмдорининг ўринбосари лавозими. 37. Сайроқи қуш. 38. Фан, техника, санъат соҳасида эришилган ютуқ учун бериладиган унвон. 39. Ер ҳайдайдиган трактор тиркачасининг ўткир, учли қисми. 40. Ўтмишда қўрғон, истеҳ-

комлар деворидан душман қузилган махсус туйнук. 41. Дарё. 42. Ғоят улкан, юксак. 43. Кемаларга йўл кўрсатиш учун денгиз қирғоқларига қурилган сигнал воситалари билан жиҳозланган минора. 44. Марказий Осиёдаги тизма. 45. Сирдарё irmoғи. 46. Оби ҳаёт. 47. Атоқли италян бастакори. 48. Инсоннинг тарихан шаклланган ҳар бир гуруҳи. 49. Шаҳардан ташқарида атрофи девор билан ўралган ҳовли-жой. 50. Алюмин хом ашёси, маъдан. 51. Шарқий Африкадаги қардош халқлар гуруҳи. 52. Россия федерациясидаги вилоят маркази. 53. Ўтмишда шарқ давлати ҳукмдорлари қароргоҳи. 54. Қандолатчилик маҳсулоти.

МУАММОНОМА

Қуйидаги рақамлар жуфтидаги (биринчиси сўз, иккинчиси ҳарф тартибини англатади) жавоб сўзлари асосида муаммонимани ҳал этинг.

20-4; 7-2; 4-4; 5-5; 22-5. 53-3; 6-3; 45-4; 1-2.
3-2; 2-2; 32-4; 8-1; 15-3. 46-1; 10-2; 14-4; 11-5.
12-3; 33-2; 37-3; 21-2; 47-4; 39-2; 9-2.
18-2; 13-5. 45-4; 36-3; 50-3; 34-2; 17-4; 40-2.
41-3; 44-4; 35-3; 30-3; 42-3; 28-1. 38-2; 47-4; 31-2.
19-2; 29-2; 51-3; 43-2; 7-3; 48-1; 16-3.

Улардан форс донишманд ижодкори Око Муҳаммад Жабалрудийнинг икки мисра ҳикмати аён бўлади.

Ғолибларга ОРИПОВ тузди.

ҒАЗЕТАНИНГ ЎТГАН СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН “БАҲОР” БОШҚОТИРМАСИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

1. Тантана. 2. Истиклол. 3. Эстрада. 4. Табассум. 5. Улуғбек. 6. Хонанда. 7. Умархон. 8. Андижон. 9. Шаббода. 10. Увайсий. 11. Трактор. 12. Пўлатий. 13. Ўзбегим. 14. Тинчлик. 15. Бойчечак. 16. “Алломиш”. 17. Навбахор. 18. Амударё.

Шаклнинг белгиланган ёйидаги сўзлар: Ассалом, Наврўзи олам!

KELGUSI HAFTA UCHUN MUNAJJIMLAR BA SHORATI

КҮЙ (21 март – 20 апрель). Ҳафтанинг бошида мураккаб вазифаларнинг бажарилишига тўсқинлик қилувчи ишларга қўл урма. Бир қарорга раҳбарларингизга суянган ҳолда келганингиз маъқул. Шанба кунини яқин кишингиздан хушхабар эшитасиз.

СИГИР (21 апрель – 21 май). Душанба ва чоршанба кунлари асосий вақтингизни расмий иш қозғаларини расмийлаштиришга сарфлашингизга тўғри келади. Шахсий ҳаётингиз билан боғлиқ масалани ҳал этишда қариндошингизнинг маслаҳатига амал қилинг.

ЭГИЗАКЛАР (22 май – 21 июнь). Сешанбадан пайшанбагача саломатлигингизни яхшилашга вақт ажратсангиз бу фойдадан холи эмас. Жума кунини моддий аҳволингиз яхшиланади. Яқиндан кунини яхши харид қилимоқда.

КИСКИЧБАҚА (22 июнь – 23 июль). Мазкур ҳафтада ҳаётингизда кескин ўзгаришлар рўй беради. Маълум кўнгилсизликлар келиб чиқиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Мухими, аввалги дўстона муносабатларни сақлаб қолишга эътибор беринг.

АРСЛОН (24 июль – 23 август). Ҳафтанинг бошида бошлиқларнинг кўзига қўринмаганингиз маъқул. Пайшанба ва жума мольвий масалаларни ҳал этиш учун қўлай кунлардир. Дам олиш кунларингизни уй юмушларига бағишланг.

БОШОҚ (24 август – 23 сентябрь). Душанба кунини асаббузарлик ва ўзингизга нисбатан ишончсизлик амалий музокараларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Аммо сизнинг очикқўнғил ва қатъиятлингиз шанба кунини ноҳуш вазиятдан чиқи олишингизга қўл келади.

ТАРОЗИ (24 сентябрь – 23 октябрь). Сешанба ва чоршанба кунлардаги ҳар қандай сафарлар муваффақиятли якунланади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида асосий вақтингизни оилавий муносабатларни яхшилашга бағишланг. Дам олиш кунлари ижодий фаолликда ўтади.

ЧАЁН (24 октябрь – 22 ноябрь). Душанба ва пайшанба кунлари бировга тааллуқли муаммони ҳал этишингизга тўғри келади. Амалий музокаралар жума кунини муваффақиятли якунланади. Дам олиш кунларини кўнгилли ўтказасиз.

ЁЙ (23 ноябрь – 21 декабрь). Ишбилармон шерикларингиз билан душанба ва чоршанба кунлари жиддий муносабатда бўлишга ҳаркат қилинг. Пайшанба кунини ишқий саргузашт қайфиятингизни кўтариб юборади. Шанба кунини белгиланган режаларни амалга ошириш имконияти бор.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22 декабрь – 20 январь). Сизнинг хушёрлигингиз сешанба ва шанба кунлари дўстларингиз билан муносабатингизга ўз таъсирини кўрсатади. Чоршанба кунини муҳим янгиликлардан хабар топасиз. Шанба кунини ижодий фаолликда ўтади.

КОВҒА (21 январь – 19 февраль). Ҳафтанинг биринчи ярмида зиммангизга бирор мажбурият олмаганингиз маъқул. Пайшанба кунини таваккал ўтказилаётган тадбирларда бемалол иштирок этаверинг. Омад сиз томонда. Яқин кишингиз шанба кунини ҳаяжонга тушишингизга сабабчи бўлади.

БАЛИК (20 февраль – 20 март). Душанбадан пайшанбагача ниятисига етказилмаган юмушни бажаришингизга тўғри келади. Уни муваффақиятли уддаласиз. Жума кунини фидойилигингиз учун моддий рағбат олишингиз қўл келади.

O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI IIV
BIRLASHGAN
TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ:

700029,
Toshkent,
Yunus Rajabiy
ko'chasi, 1

Gazeta haftaning juma
kunlari chiqadi.

Bosh muharrir
Zokir ATAYEV

Muharrir

Erkin SATTOROV

(Bosh muharrir
o'rinsosari v.b.)

Navbatchi:

S. SHAMSIDDINOV

Musahhihlar:

M. AKRAMOVA

G. XOLIQOVA

Sahifalovchi va dizayner:

A. MIRZAMUHAMEDOV

TELEFONLAR:

Bosh muharrir
o'rinsosari — 139-77-23.

muxbirlar

bo'limi 139-75-69.

Faks 54-37-91.

Gazeta tarqatish masalalari

bo'yicha murojaat uchun

faks: 54-37-91,

peyjer: ... (088) 36-97, 55-19.

Reklama bo'limi

..... 139-73-88

peyjer (088) 55-54

Elektron pochta
postmaster@urmvd.co.uz

Bizning hisob raqamimiz

O'zbekiston Respublikasi

Markaziy banki

Toshkent shahar Bosh

boshqarmasi hisob-kitob —

kassa markazida:

21506000200447980001,

MFO 00014.

• Ko'chirib bosishda
“Postda”dan ekanligini
ko'rsatish shart

• Maqolada keltirilgan
raqamlar, faktlar va boshqa
ma'lumotlar, shuningdek,
ochiq e'lon qilinishi mumkin
bo'lmagan ma'lumotlar uchun
muallif javobgar hisoblanadi.

• Muallifning mulohazasi
tahririyat fikriga mos
tushmasligi nymkin.

• Qo'lyozmalar tahlil
qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Ro'yxatdan o'tish

tartibi № 00007.

Buyurtma № — 202.

Hajmi — 4 bosma taboq.

Bosilish — ofset usulida.

Bosishga topshirish

vaqti — 19.00.

Bosishga

topshirildi — 18.00.

Obuna raqami — 180

113 978 nuxxada
chop etildi.

«SHARQ»

nashriyot-matbaa konserni
bosmaxonasi.

Korxona manzili:

Buyuk Turon ko'chasi

41-uy.

1, 2, 3, 4, 5, 6.